БУГУНГИ СОНДА:

CASA-1000 - иқтисодиётимиз учун муҳим лойиҳа 3



Футбол юлдузи Месси бир ҳафтада бир миллион евро олади 6



Хушовоз хонанда юртимизда дилбар қўшиқлар куйлади 8





# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 28 (20032)
2017 йил 13 июл.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган





**11 июл куни "Кохи Борбад" қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг мамлакат фаоллари ва барча табақалари намояндалари билан Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан учрашуви бўлиб ўтди.**

# ЭЗГУ СУННАТ ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ САЙҚАЛИ

## Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган мулоқотда сўзлаган нутқи

---------------- *2017 йил 11 июл , Душанбе шаҳри.*





**Азиз ватандошлар!**
**Ҳурматли иштирокчилар!**

Қадимий ва маданиятпарвар тожик халқи эзгу урф-одатлар ва маросиму байрамларга эга бўлиб, уларнинг кўп қисми узоқ тарих мобайнида ўзининг ўрни ва қимматини йўқотмасдан, қимматбаҳо маънавий бойлик сифатида бизнинг замонимизга ҳам етиб келди.

Бу маданиятсевару адабпарвар заминнинг фуқаролари ўз маросиму урф-одатларини ҳимоя қилиш ва қадрлаш билангина чекланиб қолмасдан, балки ўз ҳаётларининг турли босқичларида уларга янгича мазмун ва инсонпарварона сифатларни қўшган ҳолда, энг яхшиларини бизнинг давримизгача мерос қолдиришган бўлиб, бу бебаҳо бойликни сақлаш ва эҳтиром этиш ҳар бир ватанпарвар кишининг вазифаси ҳисобланади.

**Мустақиллик ва озодликни қўлга киритгандан кейин халқимиз бу миллий мерос ҳимоясини ўзининг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этиб, халқнинг миллий маданияти, суннату анъаналари ва байраму маросимларига иккинчи умр бағишлади.**

**Шу заминада, биз давлат мустақиллигини мамлакатимизнинг озодлигу мустақиллик рамзи сифатида энг муқаддас, сиёсий, маданий ва миллий давлатчилигимиз тантанасига айлантирдик.**


2


## Президентимизнинг катта ҳикматномаси илк бор нашрдан чиқди

Пойтахтнинг "Контраст" нашриётида "Тожикистон Республикаси Президенти, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси Эмомали Раҳмоннинг ҳикматли сўзлари" китоби тожик тилида чопдан чиқди. Миллат пешвосининг ҳикматномаси турли мавзулар, жумладан, давлат мустақиллиги, тинчлик ва миллий бирлик, миллий ўхшашлик, тарих, она тили, ахлоқ, таълим ва тарбия, хотин-қизлар ва ёшлар, Наврўз байрами, ҳуқуқий маданият ва республика Конституциясини қамраб олган.



Китоб миллий нақшлардан фойдаланган ҳолда 464 саҳифа ҳажмида нашрдан чиққан.

Тўпламни йиғувчи ва сўзбоши муаллифи тарих фанлари доктори, Давлат бошлиғи аппарати катта маслаҳатчиси Зафар Сайидзода, бош муҳаррири эса - филология фанлари доктори, Россия-Тожикистон славян университети профессори Масрур Абдуллаевдир.

Китобнинг электрон варианти Тожикистон Миллий кутубхонаси ва Россия-Тожикистон славян университети сайтларига жойлаштирилади.

## Хитойлик меҳмон Тожикистон павилонида

Хитой Халқ Республикасининг Остонадаги "ЭКСПО-2017" халқаро махсус кўргазмасидаги Миллий павилони бош комиссари, ушбу давлат Халқаро савдога ёрдам бериш бўйича комитети раиси ўринбосари Ван Цзинчжен бошчилигидаги делегация Тожикистон Республикаси павилонига ташриф буюрди.

Тожикистон павилони директори, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Одил Сангов меҳмонни шиори "Энергия ва сув захираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш" бўлган павилон концепцияси билан таништирар экан, Тожикистон учун гидроэнергетик ва сув захиралари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги фактига алоҳида эътибор қаратди.



"Хитой ва Тожикистон ҳамкорликлари иқтисодиётнинг барча соҳаларида фаол ривожланмоқда. 2019 йилнинг апрелидан октябр ойигача Пекинга яқин Янцин уездида "ЭКСПО-2019" бутунжаҳон боғдорчилик кўргазмаси ўтказилади. Биз Тожикистон Республикаси Ҳукумати мазкур кўргазмада иштирокини тасдиқлашини кутамиз",- деди Ван Цзинчжен.

## Жабр кўрган аҳолига ёрдам етказиб берилди

Тожикистон Республикаси Ҳукумати Дарвоз ноҳияси Нулванд жамоати Хостав қишлоғининг 138 нафар аҳолисига 9 тонна ҳажмида озиқ-овқат маҳсулотлари ёрдам берди.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитети матбуот маркази бошлиғи Умеда Юсупованинг маълум қилишича, фуқароларга 4 тонна 400 килограмм ун, 660 литр ўсимлик мойи, 550 килограммдан гуруч, нўхат, шакар, гречка (маржумак) ҳамда 66та гигиеник пакет, хўжалик анжомлари ва бошқа нарсалар етказиб берилган.



Эслатиб ўтамиз, 8 июл куни ТБМВнинг Дарвоз ноҳияси Нулванд жамоати Хостав қишлоғига тахминан соат 16:30да тинимсиз ёғингарчиликлар туфайли сел келиб, Панж дарёси ўзанини тўсиб қўйди. Натижада, турар жой манзилларини сув босди.

## Банк соҳасидаги ҳамкорликлар истиқболи

Тожикистон Миллий банки раисининг биринчи ўринбосари Жамолиддин Нуралиев Тожикистонга Швейцария делегацияси билан ташриф буюрган Швейцария Федерал маслаҳатчиси - Федерал молия вазири бошлиғи Ули Маурерни қабул қилди.



Жамолиддин Нуралиев Швейцария делегациясини Тожикистоннинг бугунги макроиқтисодий кўрсаткичлари ва банк тизимидаги вазият билан қисқача таништирар экан, иқтисодий инқироз таъсири ва банк соҳасидаги муаммоларга қарамасдан, Тожикистон Миллий банки ислоҳотларни амалга ошириш орқали кўзга кўринарли натижаларга эришгани ҳамда тегишли молиявий устуворликни таъминлаганини таъкидлади.

Суҳбатдошлар Тожикистондаги молия-иқтисодий вазият ва унинг "Бир камар - битта йўл" Хитой глобал иқтисодий лойиҳасини амалга оширишдаги иштирокини муҳокама этишди. Мазкур лойиҳа дунёнинг бир қатор мамлакатларини ўзининг глобал аҳамияти билан қизиқтирган.

Ули Маурер Швейцария Миллий банкининг Тожикистон Миллий бинки билан ҳамкорликлари даражасидан қониқиш изҳор қилар экан, банк тизимини барқарор қилиш ҳамда Тожикистон Республикаси иқтисодиёти турли соҳаларида ўзаро самарали ҳамкорликларни кенгайтиришга тайёрликларини билдирди.




## Дилшод Назаров тўртинчи марта Осиё чемпиони!

Ҳиндистоннинг Бхубанешвар шаҳрида ўтган енгил атлетика бўйича XXII Осиё чемпионатида таниқли тожик спортчиси, Рио-де-Жанейро - 2016 олимпиадаси чемпиони Дилшод Назаров босқон ирғитиш бўйича чемпион бўлди.

Тожикистон Республикаси Миллий олимпия комитетидан хабар беришларича, Дилшод Назаров босқонни 76 метр 69 сантиметрга ирғитиб, Осиё чемпионатининг олтин медали соҳибига айланди. Иккинчи ўринни 73 метр 81 сантиметр натижа билан хитойлик спортчи Шизу Ванг, учинчи ўринни 73 метр 77 сантиметр натижа билан Жанубий Корея спортчиси Ювунчул Ли эгаллади.



Бу - Тожикистон термасининг Осиё чемпионатидаги ягона медали. Тожикистоннинг бошқа олти нафар спортчиси - Даврон Отабоев, Кристина Пронженко, Одилшо Исматов, Алишер Пўлатов, Азизжон Абдуллаев ва Григорий Дерепаскинлар медалсиз қолишди.

## Хатлон: олти ойда 23та янги корхона ва цехлар

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида Хатлон вилоятида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2635,3 миллион сомонийга етказилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 614,7 миллион сомонийга кўпдир.



Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи ахборот-таҳлил бўлимидан хабар беришларича, шу давр ичида саноат соҳаси ривожланиб, йил бошидан буён 23та корхона ва янги саноат цехлари ташкил этилди. Бу эса, 163та янги иш жойлари ташкил этилишига имконият яратди.

## "Тожик Эйр" Хоруғга парвозларни қайта тиклади

"Тожик Эйр" миллий авиакомпанияси энди Хоруғга мунтазам парвозларни амалга оширади.

"Тегишли техник ишлар ўтказилганидан кейин "АН-28" самолёти парвозларни амалга оширишга тўла тайёр. Аввал биз бу парвозларни йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тўхтатгандик. Чунки жиддий техник модернизация ўтказилиши зарурати пайдо бўлди. Барчага маълумки, ҳозир ТБМВ йўналиши бўйлаб йўллар ёпиқ. Агар зарурат туғилса, Хоруғга парвозлар сонини кунига учтагача оширишимиз мумкин. Буларнинг барчаси йўловчилар сонига боғлиқ",- таъкидлади "Тожик Эйр" миллий авиакомпанияси бош директори Хайрулло Раҳимов.



Душанбедан Хоруғга парвозлар ҳар куни соат 7:00да амалга оширилади. Парвоз давомийлиги 1 соату 15 дақиқа. Чипта нархи 680 сомоний.

Эслатиб ўтиш жоизки, 5 ёшгача бўлган болалар авиакомпания самолётларида бепул учишлари мумкин. 5дан 12 ёшгача бўлган болаларга чипта учун 50 фоиз чегирма берилади.

## "Дунёи саодат" республика фестивалига якун ясалди

Душанбе шаҳрида "Дунёи саодат" ("Бахт олами") номли оила ансамбллари республика фестивалининг финал босқичига якун ясалди.

10та оилавий ансамбл иштирокидаги ранг-баранг концерт дастури барча йиғилганларга маъқул бўлди. Анъанавий, классик ва эстрада қўшиқлари, мусиқий асбобларни чалиш, рақслар ва қўшиқ куйлаш, ҳазил-мутойиба саҳначалари ва миллий либослар тақдимоти гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.



"Сизнинг "Дунёи саодат"га кирганингиз ва бугун бахтли сиймоларни кўриб турганимиз қувонарлидир. Бу фестивал ўз мақсадига эришганини англатади. Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон 2017 йилни бежизга Ёшлар йили деб эълон қилгани йўқ. Фестивал иштирокчиларининг аксариятини ёшлар ташкил қилиши миннатдорчилик ва мақтовга арзигуликдир",- деди концерт дастури охирида Маданият вазири ўринбосари Зевар Давлатзода.

Сўнгра Лахш, Файзобод, Нуробод, Ишкошим, Мурғоб, Мастчоҳ, Қабодиён, Ҳисор, Кўлоб ва Турсунзода каби шаҳру ноҳиялардан 10та оилавий ансамблга Тожикистон Маданият вазирлигининг эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

# ЭЗГУ СУННАТ ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ САЙҚАЛИ

1

Шу билан бир вақтда, Наврўз, Меҳргон ва Сада каби бир қатор қадимий байрамларни қайта жонлантириб, Рамазону Қурбон ҳайитларини расман мамлакат маданий фазосига киритдик. Соҳавий ва касбий байрамларни нишонлашни қонунчилик доирасида йўлга қўйиб, мамлакатда миллий ва диний байраму тантаналарни ўтказишнинг ягона низомини расмиятга киритдик.

Халқ маданий суннатларию қадриятларига янада кўпроқ нуфуз берилишини таъминлаш ва миллий давлатчилик асосларини янада устувор этиш мақсадида мамлакат Президенти ташаббуси билан ўн йил аввал "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлиб, бу ҳужжат миллий ва диний маросиму байрамларни тартибга солиш йўлида ўзига хос ҳисса қўшди.

2007 йил 24 майида ўз чиқишимда зикр этилган қонунни миллий маросиму анъаналарни тартибга солувчи биринчи миллий қонун сифатида айтиб ўтиб: -"Биз бугун халқ урф-одатлари ва диний маросимларни тамоман орадан кўтариш ё барҳам бериш учун йиғилганимиз йўқ. Балки асосий мақсадимиз уларни ўтказиш меъёрларини аниқлаш бараварида, мамлакат халқининг ўзини кўрсатиш ва таассубу хурофотпарастликлардан халос бўлишларини бошлаб беришдан иборат",- дея таъкидлагандим.

**Мазкур қонунни қабул қилишнинг сабабларидан бири шуки, экстремистик хусусиятга эга бўлган мазҳабий оқимлар пайдо бўлиши ва баъзи интернет тармоқлари воситасида зарарли тарғиботлар кучайиши билан мамлакатда бегонапарастлигу тақлид ва тилу маданият, хусусан, миллий урф-одатлару расм-русумларга хатар пайдо бўлиб, ҳатто, халқимизнинг, жумладан, хотин-қизларнинг кийиниши борган сайин ўзгариб, бир қатор маросиму маъракаларда таассубу исрофгарчиликлар анъана тусини олган эди.**

Бундай жараёнлар таъсири билан мамлакатимиз турли минтақаларида маданияту мазҳабимизга бегона бўлган сохта ва ўйлаб топилган маъракалар бусиз ҳам бир қатор мушкулликларга эга бўлган камбағал табақалар турмушини янада оғир қилди.

Бундай вазият бизни қонунчилик ташаббусимиздан фойдаланган ҳолда, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга ёрдам берувчи қонунни ишлаб чиқиб, тавсия қилишга ундади.

**Бугун қонун қабул қилиниши халқ анъаналарини ҳимоя қилиш йўналишида энг муҳим ташаббуслардан бири сифатида жамиятнинг ҳаётан муҳим бир қатор мушкулликларини ҳал этиш боисига айланиб, мамлакатда тантана-ю маъракалар ва расму маросимларни тартибга солганини қониқиш билан айтиш мумкин.**

Мамлакат замонавий қонунчилиги мазмун жиҳатидан миллий ҳамда моҳият жиҳатидан демократик ва дунёвий бўлган бундай қонун қабул қилиниши билан мамлакат ҳуқуқий низоми шаклланиши, чунончи, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш йўлида янгича жараёнга эга бўлди.

Тожикистон халқининг марому мақсади, ахлоқий, диний ва тарихи-ю маданий қадриятларини ўз ичига қамраб олган ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда халқимизнинг аксар маъракалари ва маросиму тантаналарини ўтказиш тартиби инобатга олинган.

**Миллий қадриятлар ва уларнинг тарихий илдизларини асраш энг муҳим тадбирлар жумласидан ҳисобланиб, мустақил давлатлар бу восита орқали ўзларини глобализация, жумладан, бегона маданияту мазҳаб унсурларини сингдириш каби номатлуб оқибатлар ва манфий таҳдиду хатарлардан ҳимоя қилишлари, яъни маданий хавфсизлик ва ўзининг мустақил тараққиётини таъминлашлари мумкин.**

**Битта ўн йиллик ўтиши билан мазкур қонун миллий маданий қадриятларни ҳимоялаш учун асос бўлгани, халқ ва диний суннатларни тартибга солгани, миллий анъана, маросим ва тантаналарни аниқ қилиб, хурофоту таассуб, ўзини кўрсатишу юзаки қараш, исрофгарчиликлар олдини олиб, миллий ва халқ маросимлари ўтказишнинг ягона тартибини жорий этиш учун йўл очгани маълум бўлди.**

**Мазкур ҳужжат тарихнинг қисқа муддати ичида ўзининг зарурат ва аҳамиятини Тожикистон жамиятида кўрсатиб, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоялашга ҳисса қўшди.**

**Мазкур қонуннинг тўлиқ татбиқ этилиши билан келажакда мамлакат турли минтақалари расму маросимлари ўртасидаги фарқ орадан кўтарилиб, миллий анъаналаримиз ягона шаклу тартибга эга бўлишига ишончим комил.**

Таҳлилларнинг кўрсатишича, миллий қонун қабул қилингунга қадар ҳар бир тожик хонадонига қарийб 70та маърака-ю маросим, жумладан, 10та азадорлик маросими ва 60та хурсандчилик маросими тўғри келган бўлиб, уларнинг барчаси миллий ва мазҳабий қадриятларимизга мувофиқ эди.

Маросиму маъракаларнинг бир қисми серхаражат бўлганлиги сабабли, жамиятда манфий ҳодисалар вужудга келишига боис бўлиб, камтаъминланган оилаларга катта зарар етказарди ва исрофгарчиликларга сабаб бўларди.

**Гап шундаки, Қуръони Каримнинг "Анъом" сураси 114-оятида шундай таъкидланади: "Исроф қилманглар! Худо исроф қилувчиларни яхши кўрмайди". Шунингдек, ҳанафий мазҳаби таълимотига биноан, кўп харжу сарф қилиш равосиз бўлиб, Имоми Аъзамнинг ўзи ҳам серхаражат маъракалар ўтказилишини хушламаган.**

**Аммо бир қатор ояту ҳадислар ва мазҳабимиз етакчисининг ишора-ю таъкидларига қарамасдан, баъзи бадавлату ўзини кўрсатувчи ва ҳангоматалабу шуҳратпараст шахслар кўра-била туриб серхаражат маъракаларга тарафдорлик қилишарди.**

**Бундай серодам ва серхаражат чора-тадбирлар, ҳатто, жамияту давлат хавфсизлиги, жамият тартиботи ва барқарорлигини ҳимоялашга халал етказиб, мамлакат турли табақалари ўртасида норозиликлар вужудга келишига сабаб бўлади.**

Мазкур қонун қабул қилиниши билан тўйлардаги тартибсизликлар, безорилик ва одам ўлдириш каби оғир жиноятларни содир этиш, йўлларда ҳаракат қоидаларини бузиш ва келин-куёв машиналари ҳаракати жараёнида транспорт ҳодисалари юз бериши, асосан, орадан кўтарилди.

Бу ўз навбатида, жамият, энг аввало, ота-оналар ташвишини анча камайтирди.

Қонун қабул қилиниши ва унинг амалга татбиқ этилиши билан халқимиз фуқаролик жамияти ва ҳуқуқбунёд давлатнинг муҳим рукнларидан ҳисобланган урфу одат, расму анъаналар ва тантана-ю маъракаларни тартибга келтириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди.

Таъкидлаш жоизки, Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши мамлакат Ҳукумати томонидан амалга оширилган бошқа тадбирлар бараварида камбағаллик сатҳини пасайтиришнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Эслатиб ўтиш жоизки, 1992-2007 йиллар давомида мамлакат Ҳукумати иқтисодий масалалар ва халқ мушкулликларини ҳал этиш учун 5 миллиард сомонийдан зиёд хорижий грантлар ва қарзларни жалб этиш орқали сармоявий лойиҳаларни амалга оширди.

Ўша йилларда давлатнинг ташқи қарзи ҳажми ички ялпи маҳсулотнинг 40дан 110 фоизини ташкил қилиб, камбағаллик 81 фоиз аҳолини қамраб олганди.

Мазкур қонун қабул қилинганидан кейин, ички маблағ ўтказиш манбаларини топиш, жумладан, кераксиз харажатларни камайтириш билан камбағаллик сатҳи 10 йил мобайнида 53 фоиздан 30 фоизга, яъни 23 фоизга камайди.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати ташқи ёрдамларни қабул қилиш ўрнига инфратузилма лойиҳалари учун сармоялар жалб этишни бошлади ва ташқи қарз ўзаро нисбати ички ялпи маҳсулотнинг 30 фоизи атрофига тенг бўлди.

Натижада камбағаллик сатҳини пасайтириш стратегияси татбиқидан фаровонлик сатҳини юксалтириш стратегияси татбиқига ўтиш имконияти пайдо бўлиб, айни пайтда аҳоли ўрта табақасини 50 фоизга етказиш режаси амалга оширилмоқда.

Қонун қабул қилиниши воситасида янги туғилган чақалоқларни қайдга олиш масаласи ҳам тартибга кирди ва аввал фақат мактабга бориш вақтида рўйхатга олинадиган болаларнинг номларини ўз вақтида қайдга олиш ҳам йўлга қўйилди.

Мазкур қонун, чунончи, фуқароларнинг никоҳни қайддан ўтказишлари масаласига ҳам мусбий таъсир кўрсатиб, оила бунёд этиш ҳам бирданига ошди. Турли сабаблар, жумладан, молиявий шароит бўлмагани учун оиладор бўла олмаётган минглаб ёш йигит-қизлар бахту саодат соҳибига айланишди.

Никоҳни қайдга олиш масаласида ҳам вазият бутунлай ўзгарди. Қонун қабул қилингунча, ҳар йили мамлакатда 57 мингдан зиёд никоҳ қайдга олинарди.

Статистик маълумотларга биноан, қонун қабул қилинганидан кейин, фақатгина олти ой мобайнида мамлакатда никоҳ қайди 23 мингтага ошиб, 2007 йили 97 ва 2008 йили 106 мингтага етди.

Бундай ижобий тенденцияга қарамасдан, ниҳоят муҳим бир масала, хусусан, сўнгги йилларда ташвишимиз боисига айланган масала юзасидан ўз фикримни билдиришни истайман. Ҳар йили қайдга олинган никоҳлар умумий сонидан 10 фоизи, хусусан, ёш оилаларнинг никоҳлари бекор қилинади.

Таҳлилларга биноан, бузилган оилаларнинг аксариятида эру хотин бирон жойда ўқишмагани, касбу ҳунар ўрганишмагани, ота-оналари уларга катталарга эҳтиром, оиладорлик муносабатлари нозикликлари, рўзғор пасту баландликлари ва мустақил ҳаётнинг бошқа масалаларини ўргатмаганликлари, буларнинг барчаси оила бузилишига олиб келиб, унинг манфий таъсири ҳаммадан кўпроқ ўша ёшларга тегиши маълум бўлди.

**Шу сабабли, бу муҳим масалага жиддий эътибор қаратиш, бу йўналишда хурофоту юзаки қарашнинг олдини олиш ҳамда фарзандларнинг билим ва касбу ҳунар ўрганишлари учун қулай шароит яратиш ота-оналар, давлат, жамият ва оиланинг муқаддас вазифаси ҳисобланади.**

**Шунга қўшимча тарзда, оилалар бузилишининг олдини олиш, оила соғломлигини таъминлаш ва оиладорлик маърифатини юксалтириш йўлида Адлия, Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирликлари, Дин ишлари, анъаналар ва тантаналару маросимларни тартибга солиш, Хотин-қизлар ва оила, Ёшлар ва спорт комитетлари амалий чора-тадбирлар қабул қилишлари зарур.**

**Азиз дўстлар!**

**Мазкур қонун, шунингдек, маъракалар ўтказиш маданиятини юксалтириш ва чора-тадбирлар аниқ статистикаси пайдо бўлиши боисига айланиб, халқнинг маросиму маъракаларга нисбатан муносабатини ўзгартирди.**

Масалан, қонун амалга татбиқ этилаётган ўн йилда бир миллиону тўрт юз мингдан зиёд маърака қайдга олинган бўлиб, уларни ўтказиш учун ўртача ҳисобда тўрт ярим миллиард сомоний сарфланди. Барча турдаги маърака-ю маросимлардан умумий тежалган маблағ 18 миллиард сомонийни ташкил қилди.

Яъни бу маблағлар халқ фойдаси ва улар оиласи бюджети даромадини оширишга ҳисса қўшди. Қонун қабули, шунингдек, чорва сўйилиши камайишига ҳам ҳисса қўшди.

Агар 2007 йилнинг аввалигача мамлакатда йирик шохли чорва боши 1 миллиону 700 мингни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилнинг январ ойида 2 миллиону 280 минг бошга етган бўлиб, 2007 йилга нисбатан қарийб 34 фоизга зиёддир.

Кичик шохли чорва боши бу даврда 3 миллиону 800 мингдан қарийб беш ярим миллион бошга етган бўлиб, 44 фоизга ошган.

**Қонун амал қилаётган ўн йил мобайнида икки миллиону 300 минг кичигу йирик шохли чорва аҳоли фойдаси учун сақланиб, истеъмолчилик бозорини гўшту сут маҳсулотлари билан таъминлаш яхшиланди.**

**2007 йилгача мамлакатга ҳар йили хориждан ўрта ҳисобда 35 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 5 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари киритиларди. Аммо 2016 йили фақат гўшт киритилиши 3 баравар камайди.**

**Агар бундан кейин ҳам аҳиллик билан заҳмат чексак ва деҳқонлар учун янада яхши шароитни яратсак, яқин йилларда бу масала ҳал бўлиб, истеъмолчилик бозоримиз тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига ишончим комил. Бу, ўз навбатида, стратегик мақсадларимиздан бири бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини ҳимоялашга янги туртки беради.**

**Қонун амал қилаётган ўн йилда, шунингдек, халқнинг банклардаги жамғармалари ҳар йили 20дан 25 фоизга ошиб, маросиму маъракалар ўтказиш учун қарз олиш одати қарийб орадан кўтарилган.**

**Агар 2007 йилгача аҳолининг банклардаги жамғармалари 2,4 миллиард сомонийни ташкил қилган бўлса, 2016 йили бу рақам 10 миллиард сомонийга етди. Бу мамлакат аҳолиси турмуш даражаси-ю сифати яхшиланганидан дарак беради.**

**Фуқароларнинг тежалган маблағлари яшашу турмуш шароитини яхшилаш, истиқомат манзиллари қуришу ободонлаштириш, транспорт воситалари ва рўзғор асбобу жиҳозлари харид қилиш, чунончи, фарзандлар таълиму тарбиясига йўналтириляпти.**

**Статистик маълумотга мувофиқ, 2007-2016 йиллар мобайнида оилалар истеъмол тизимида бутунлай ўзгаришлар вужудга келган.**

**Агар 2007 йили оилалар озиқ-овқат учун турли маъракалар ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчилик умумий харажатининг 66 фоизини сарфлаган бўлишса, 2016 йили бу мақсадга ҳаммаси бўлиб 55 фоизи сарфланган. Яъни оилалар харажатлари 11 фоиз камайган.**

Оилалар молиявий ҳолати яхшиланиши ота-оналарнинг фарзандлар таълим ва тарбияси, уларнинг касб ўрганиш ва қўшимча маълумот олишларига кўпроқ эътибор қаратишлари боисига айланган.

Агар 2006-2007 ўқув йилигача умумий таълим зиналарида ҳаммаси бўлиб 1 миллион 600 минг, ибтидоий таълим ва ўрта касбий таълим зинасида 63 минг ва олий касбий таълимда 146 минг киши таҳсил билан қамраб олинган бўлса, 2016-2017 ўқув йилида умумий таълим зинасида 1 миллион 950 минг, ибтидоий ва ўрта касбий зинасида 100 минг ҳамда олий касбий зинада 190 минг нафар жалб этилган бўлиб, бу рақамлар қонун татбиқи ва унинг натижа-ю самарасининг аниқ нишонаси ҳисобланади.

Ҳозир 30 минг нафардан зиёд ёшларимиз хорижий мамлакатларнинг энг яхши олий таълим муассасаларида билим ўрганиш ва касбу ҳунар ўзлаштириш билан машғулдирлар.

Мазкур қонун амал қилаётган ўн йилда, чунончи, истиқомат уйлари қуриш неча баравар ошиб, қарийб 43 минг гектар ер 420 мингта эҳтиёжманд оила, яъни икки ярим миллион нафардан зиёд кишига тақсимлаб берилди. Бу кўрсаткичлар ҳам қонун аҳамияти ва ижтимоий ролининг аниқдалили ҳисобланади.

Барчангиз яхши биласизки, пулсиз уй қуриб бўлмайди. Чунончи, мавжуд маълумотларга кўра, ўн йил давомида мамлакатга қарийб 525 мингта енгил автомашина келтирилган.

**Зикр этилган қонун инсондўстона ва хайрихоҳона жиҳатларга ҳам эга бўлиб, у қабул қилинганидан кейин, мамлакатда хайр-эҳсон қилиш ва хайриявий маъракалар ўтказиш анъана тусини олди.**

**Хайрихоҳу саховатпеша шахслар, хусусан, тадбиркорлару тижоратчилар, давлат хизматчилари, ҳуқуқ ҳимояси ва ҳуқуқ тартиботи органлари ходимлари ўз даромадлари, хусуси-ю нодавлат ташкилот ва муассасаларининг ортиқча маблағлари ҳисобидан камтаъминланган оилалар, етимлар ва муҳтожларни қўллаб-қувватлашиб, уларнинг маросиму маъракалари ўтказилишини ўз зиммаларига олишди.**

2009 йилдан буён камтаъминланган оилалардан 100 минг нафардан зиёд болаларнинг суннат тўйлари ва 5 минг нафардан зиёд ёшларнинг никоҳ тўйлари хайриявий тарзда ўтказилди.

Хайриявий маъракалар сони йилдан-йилга ошиб, бу хайрли амаллар камтаъминланган оилаларни маъракалар ўтказиш ташвишу харажатидан озод этаяпти.

Ҳозир мамлакатимизда 73та мактаб-интернат, жумладан, 27та мактаб қошидаги мактаб-интернат, 4та болалар ва 8та қариялару ногиронлар уйлари фаолият юритаётган бўлиб, бу ерда яшовчилар ва тарбияланаётганлар сони ўн икки минг нафардан зиёдни ташкил қилади.

Шулардан 1150 нафарини кексалару ногиронлар, 2100 нафарини ногирон болалар ва 3000 нафардан зиёдини етимлар ташкил қилиб, фақат уларга садақа бериш раводир.

Ҳар йили давлат бюджетидан етимлару қаровчисиз қолганлар, ногиронлару қарияларга мақсадли маблағлар, тўлов ва ёрдам пуллари ажратилиб, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг ҳар бирига йилига қарийб 2000 сомоний ва қариялару ногиронлар уйида истиқомат қилувчиларнинг ҳар нафарига 16000 сомонийдан тўғри келади.

Шунинг бараварида, мамлакат Президенти амри билан 2014 йил 10 февралида зикр этилган барча ижтимоий муассасалар 101та давлат ва нодавлат ташкилотларига биркитилган бўлиб, улар бу ерда доимий яшовчилар ва тарбияланувчиларга қарашда ёрдам бериб, ғамхўрлик қилишади.

Бундай хайру савоб амаллар зикр этилган муассасаларда яшовчилар хурсандчилиги ҳамда уларнинг яшаш ва таҳсил олиш шароити янада яхшиланиши боисига айланади.

Шунга қўшимча тарзда, барча шаҳру ноҳияларда етимлар номига махсус ҳисоб рақамлари очилган бўлиб, хайрихоҳ шахслар рўза фитри ва бошқа молиявий ёрдамларини улар ҳисоб рақамларига ўтказишлари мумкин.

Мол-мулкка эга бўлган ва бадавлат шахслар ҳам садақаларини аввал камтаъминланган ака-укалари, сингиллари, яқин қариндошлари, қўшнилари ва камтаъминланган одамлар, етимлару ногиронлар ва шунга ўхшаган шахсларга бериш учун саъй-ҳаракат қилишлари керак.

Улар ўз маблағларини жория садақаси сифатида қишлоғу манзиллар, турар жойларни обод қилиш, сув келтириш, кўприк қуриш, йўл бунёд этиш, мактабу тиббий нуқталар қурилиши ва бошқа эзгу ишларга сарфлашиб, солиҳ хайрга эришсинлар.

Бундай хайрихоҳона амаллар тадбиркорлару тижоратчилар ва саховатли шахслар томонидан анъана тусини олган бўлиб, шу пайтгача улар томонидан қарийб 140 миллион сомонийлик умумий маблағга 132та янги бино ва 25 минг нафар ўқувчи учун қўшимча синфхоналар, 343та тиббий марказу нуқталар ва касалхона-ю дармонгоҳлар, 107та кўприк, 600 километрдан зиёд йўли қурилди. Ўнлаб километр ичимлик суви тармоғи келтирилиб, тиббий нуқталар, таълим муассасалари таъмиру қайта тикланиши ва жиҳозлар харид қилиниши йўлида кўпгина хайру савоб ишлари амалга оширилгани хурсандчилик боисидир.

**Фурсатдан фойдаланган ҳолда, ташкилоту муассасалар раҳбарлари, ташаббускорлар, тадбиркорлару тижоратчилар ва бошқа ор-номусли кишилар, эҳсонли амаллар ва миллий қонун самарали татбиқига ҳисса қўшган саховатли ва ҳимматли одамларга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдиришни истайман.**

Шунинг бараварида, қонун қабул қилингунга қадар жамиятимиз орасида турли омиллар таъсири остида ўзаро меҳру муҳаббат, одаму одамгарчилик ва инсонпарварлик туйғулари заифлашиб қолганини эслатаман.

Азиз ватандошларимизнинг ёдида бўлса, аввал бир-бирининг, хусусан, катталар қадрига етиш, бир-бирини эҳтиром этиш, бир-бирининг аҳволидан бохабар бўлиш ва хурсандчилигу қайғули кунларда шерик бўлиш расм эди. Аммо ота-оналаримиз маънавиятининг асос ва арқоғини ташкил қилган халқимизнинг бу, ниҳоятда, инсонсеварлик анъаналари баъзи жойларда унутилганди ёки кам риоя этиларди.

Бахтимизга, бу инсонпарвар қонун амалга оширилиши шарофати билан одамларнинг ўзаро муносабатлари ҳолати яхшиланди. Бу, албатта, яхшидир.

Зеро, одамлар фақат бир-бирининг ёрдамлари билан бахтли бўлишади.

**Биз солиҳ амаллар, жумладан, инсондўстлик, жавонмардлик, саховатлилик ва ҳимматлилик билан кун кечиришга ҳаракат қилайлик. Бошқалардан ёрдамимизни дариғ тутмайлик, бировнинг кўнглини ранжитишдан сақланайлик, эзгуликни ҳаётимизнинг шиорига айлантириб, саодатли рўзғор учун биргаликда саъй-ҳаракат қилайлик. Миллий маданиятимиз эзгу суннатлари ва халқимиз ёқтирган урфу одатларни инсонийликнинг янада юксак сифатлари билан келгуси авлодга мерос қолдирайлик.**

Мавлоно Жалолиддин Балхий ҳам бу борада шундай дейди:

**-Гар минг марта пиёда**
**айласанг Каъбани тавоф,**
**Бировнинг кўнглини ранжитсанг, ҳақ қабули бўлмасин.**

Агар рўзғоримизни инсондўстлик, хайрихоҳлик ва хушмуомалалик билан олиб борсак, турмушимиз янада яхшиланиб, жамият аҳли маънавияту маданият даражаси юксалади ҳамда ота-оналар, катта ёшлилар ва одамлар орасидаги ҳурмату эҳтиром янада устувор бўлади.

Азиз Тожикистонимизнинг жаннатмакон замини ва унинг фаровон неъматлари заҳматкашу инсонпарвар халқ турмушини муносиб даражага етказа олади. Фақат баъзи фақирлигу қашшоқликка гирифтор шахсларнинг табобат олишлари учун ҳаракату ғайрат, ор-номус ва мустаҳкам ирода зарур бўлади.

**Зеро, қашшоқлик, фақирлик ва йўқсиллик касаллик бўлиб, бу дарддан қутулишнинг ягона йўли бутабақа турмуши сифати, оила ва улар фарзандларининг саодатли келажаги яхшиланиши йўлида саъй-ҳаракат, ғайрат ва заҳматни талаб қилади.**

**Эслатиб ўтаман, бу масала миллат генофондини ҳимоялаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва истеъдодли-ю лаёқатли наслни вояга етказиш билан ўзаро боғлиқдир.**

Биз бундай шахслар ва уларнинг оилаларига турмуш шароити ва даражаси яхшиланиши учун ёрдам беришимиз керак.

**Бу хайрли ишларда маҳаллий органлар масъуллари, жамиятшунос олимлар, уламолар аҳли ва фуқаролик жамияти тузилмалари фаол иштирок этишиб, мамлакат аҳолиси орасида тушунтириш ишларини оширишлари керак.**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Бугунги кунгача қабул қилинган чора-тадбирларга қарамасдан, мамлакатда тўй-маъракаларни дабдабали ўтказиш ва бемаврид сарф-харажатлар ҳолатлари ҳалигача тўлиқ орадан кўтарилмаган, баъзи фуқаролар ҳануз ҳам расму маросимлардан ўзини кўрсатишу шуҳратпарастлик воситаси сифатида фойдаланишаётган бўлиб, бу рафтор халқимиз маданий табиатига бегона ва қонунга зиддир.

Шунинг бараварида, мазкур ҳужжат риояси бир қатор тегишли органлар томонидан тўғри назорат қилинмай, бу йўналишда баъзи камчиликлар ошкор этилган бўлиб, давлат муассасаси ва хизматчиларининг обрўсига путур етказган ҳолда, жамиятда уларнинг эътиборини пасайтиради.

Суд органлари статистик маълумотларига биноан, қонун талаботларини бузиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2007 йили судлар бу йўналишда ҳаммаси бўлиб 60та маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқди. Аммо бу рақам 2017 йили 784тага етган бўлиб, бу 2007 йилга нисбатан 13 баравар зиёддир.

Таъкидлаш жоизки, баъзан вилоятлар, шаҳру ноҳиялар раисларининг ўзлари, ҳуқуқ ҳимояси ва ҳуқуқ тартиботи органлари ходимлари, давлат хизматчилари, дин ишлари, урф-одатларни тартибга солиш бўлимлари масъуллари, шаҳарча-ю қишлоқ жамоатлари раислари енгилтакликларга йўл қўйишиб, қонун талаботи бузилишига ҳисса қўшишади.

Ўн йил мобайнида соҳа масъуллари томонидан бир қатор жиноятлар содир этилиб, баъзи шаҳру ноҳияларда бу вазифага тасодифий ва салоҳиятсиз кишилар ишга қабул қилингани натижасида мансабларини суиистеъмол қилиб, мазкур қонун талаботини дағал тарзда бузишади.

Бундай ҳолат ўз вақтида ва жиддий тузатишни тақозо этади.

**Шу сабабли, Дин ишлари, анъаналар, тантаналар ва миллий маросимларни тартибга солиш комитети қисқа муддат ичида вилоят, шаҳар ва ноҳиялардаги барча бўлимлар ходимлари, чунончи, доимий комиссияларни аттестациядан ўтказиб, бу ишларга ишнинг кўзини билувчи, донишманд ва ёш ташаббускор шахсларни жалб этиши ҳамда жамият комиссияси фаолиятини тартибга келтириши зарур.**

**Шунинг бараварида, ташкилоту муассасаларнинг доимий ва жамият комиссиялари фаолиятини қатъий назорат остига олиб, доимий комиссиялар низомномалари ижроси халқ вакиллари мажлисларида муҳокама қилинсин.**

**Шунингдек, давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органлари раҳбарларига анъаналар, тантаналар ва миллий маросимларни тартибга солиш бўлим ва секторлари мудирлари вазифасига лаёқатли ҳамда донишманд кишилар номзодини илгари суриб, улар фаолиятини жиддий назорат қилиш топшириғи берилади.**

**Шунга боғлиқ ҳолда, Адлия вазирлиги, Миллий қонунчилик маркази ва бошқа тегишли органларни икки ой мобайнида қонун талаботларига риоя этмайдиган давлат хизматчилари, ҳуқуқ ҳимояси ва ҳуқуқ тартиботи органларининг ходимларини эгаллаб турган вазифаларидан озод этиш, чунончи, тадбиркорлару бадавлат шахслар, дин ходимлари ва бошқаларга нисбатан жарима ҳажмини бир неча баравар ошириш борасида ўз хулосаларини Ҳукуматга тавсия этишга вазифадор қиламан.**

Таъкидлаш жоизки, аксар ҳолатларда амал қилаётган қонунлар талаботини бузувчилар мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, ҳуқуқ ҳимояси органлари ходимлари, тадбиркорлару бадавлат кишилар, чунончи, уларнинг фарзандлари ва яқин қариндошлари ҳисобланиб, белгиланган талаблардан ташқари ўзбошимчалик билан дабдабали маъракалар ўтказишади, йўлда ҳаракат қоидалари талаботига риоя этишмайди ва фарзандларининг таълим муассасаларига қимматбаҳо машиналарда боришларига қаршилик кўрсатишмайди.

Ҳар йили мамлакатда ўрта ҳисобда бир ярим мингта транспорт ҳалокати юз бериб, юзлаб киши ҳалок бўлади. Бундай ҳолат жиддий ташвиш боисидир. Бир ой аввал Восе-Кўлоб йўлида транспорт ҳодисаси юз бериб, етти киши одамдан ўтди. Бу, йўлда ҳаракат қоидасини бузиш сабабли юзага келди.

Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобил нозирлиги маълумотига биноан, 2010 йилдан шу пайтгача, "Бехатар шаҳар" тизими воситасида қайдга олинган қонун бузиш ҳолатларидан ташқари, қарийб етти ярим миллион йўл ҳаракат қоидаларини бузиш ҳолати қайдга олинган бўлиб, қоидабузарлар ҳисобидан 173 миллион сомоний жарима ундирилган.

2013 йилдан "Бехатар шаҳар" тизими воситасида ундирилган жарима маблағи 72 миллион сомонийдан зиёдни ташкил қилган. Яъни ҳаракат қоидалари бузувчиларидан жарималар умумий ҳажми 245 миллион сомонийга етган.

2010 ва 2017 йилнинг биринчи ярми мобайнида мамлакатимизда ўн ярим мингдан зиёд транспорт ҳалокати юз бериб, натижада, 3300 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 11800 нафар киши турли тан жароҳатлари олган.

Яъни етти ярим йил мобайнида юз берган автоҳалокат 3300 хонадонда мотам бўлиши, болаларнинг етим қолиши ва улар оилаларнинг бахтсиз бўлишига олиб келди.

Кўп сонли кишилар ҳалокатига сабаб бўлган транспорт аварияларининг аксарияти йўлда ҳаракат қоидаларига риоя қилмай, юқори суръатда машина бошқарган ҳолда, йўл аломатлари талаботини дағал тарзда бузган шахслар томонидан содир этилади.

Автомобил аварияси рўй беришининг бошқа сабаби мастлик ҳолатида ёки ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт воситаларини бошқариш ҳисобланади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2015-2016 йиллар ва 2017 йилнинг 5 ойида мамлакатда йигирма мингдан зиёд маст ҳолатда машина бошқариш ва 76та автомобил аварияси қайдга олинган бўлиб, натижада 35 киши ҳалок бўлди ҳамда 83 нафар киши турли жисмоний жароҳат олди.

Ҳалок бўлганларнинг аксарияти гуноҳсиз кишилардир. Уларнинг аксариятининг фарзандларини бундан кейин таъминлаш давлат зиммасига тушади. Шунинг учун, давлат бу ҳолатда бетараф қараб тура олмайди.

Дунёнинг бир қатор давлатлари, жумладан, ривожланган мамлакатларда одамлар ҳалокати боиси бўлган автоҳалокатларда жуда қаттиқ жазо ва ҳатто, қатл ҳукми назарда тутилган. Масалан, Япония, Хитой, Таиланд ва Америка Қўшма Штатларининг баъзи штатларида қатл ҳукми ё 10дан 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳамда Канадада умрбод қамоқ жазоси назарда тутилган.

**Шундай ҳолатларни назарда тутган ҳолда, Адлия, Ички ишлар, Маориф ва илм вазирликлари, бошқа тегишли тузилмалару органларга икки ой мобайнида жорий қонунларга ҳужжатсиз ҳайдовчилик қилиш, маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, юқори суръатда ҳаракатланиш ва ўсмирлару ёшларнинг таълим муассасаларига шахсий автомашиналарда келишига доир ўзгартишу қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаб, кўриб чиқиш учун мамлакат Ҳукуматига тавсия этиш топшириғи берилади.**

Шу билан бир вақтда, ҳайдовчилик курсларида таълим сифатига биринчи даражали эътибор қаратилиб, бу курсларда таълим шароити қайта кўриб чиқилиши ва ҳайдовчилик ҳуқуқини олиш учун имтиҳонлар замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, жуда жиддий тарзда йўлга қўйилиши зарурдир.

**Эслатиб ўтиш жоизки, фақат қонун моҳияти ва қийматини аниқ англаш ҳамда тарафсизликни орадан кўтариш орқалигина мақсаду режаларимизнинг тўлиқ татбиқ этилишига эришишимиз мумкин.**

Мамлакат Президентининг Республика Олий Мажлисига бу йилги Паёмида Маориф ва илм вазирлиги Конституция билан бир қаторда, Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида" ва "Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида"ги қонунлари ўргатилишини таълим муассасалари дастурларига киритишга вазифадор қилинди.

Шунга қўшимча тарзда, зикр этилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ўрганилишини йўлга қўйиш аҳоли ҳуқуқий билимларини такомиллаштириш, ёш авлоднинг қонун ва миллий қадриятларга эҳтиром руҳида камолга етиши, шунингдек, уларнинг ўсмирлик пайтиданоқ конституцион ҳуқуқу мажбуриятларидан фойдаланишларига ёрдам беради.

**Шунинг учун, Маориф ва илм вазирлиги имкон қадар тезроқ дарслик китоби ва таълим дастурини тайёрлаб, янги ўқув йилидан бу муҳим ҳужжатлар таълимини жорий этиши зарур.**

**Шунга қўшимча тарзда, ушбу қонун мазмунини кенг тарзда шарҳлаш мақсадида Маданият, Маориф ва илм вазирликлари, Дин ишлари, анъаналар, тантаналар ва миллий маросимларни тартибга солиш, Телевидение ва радио комитетлари ҳамда Исломшунослик маркази тежамкорлигу сариштакорликка доир китоб ва бошқа материалларни нашр этиб, уларни умумий ахборот воситалари орқали кенг тарзда мамлакат аҳолиси диққатига ҳавола этиш, қонунда зикр этилган Наврўз, Сада, Меҳргон ва бошқа миллий байрамлар моҳияту маданий қийматларига доир тадқиқот ўтказиб, тарбиявий филмлар тайёрлашга вазифадор этиладилар.**

Ҳозир сайёра аҳолиси етти ярим миллиард ва мамлакатимиз аҳолиси қарийб тўққиз миллионга етди. Фақат мустақиллик даврида Тожикистон аҳолиси сони 3 миллион 380 минг нафарга кўпайди. Яъни ўрта ҳисобда мамлакатимизда мустақилликнинг 26 йилида ҳар йил 130 минг аҳоли билан битта шаҳар ё катта ноҳия вужудга келган.

Дунёнинг барча мамлакатлари аҳоли сонининг тезлик билан кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан талаботни энг муҳим масалалардан бирига айлантирган бўлиб, Тожикистонимиз ҳам бундан истисно эмас. Бундай ҳолат истасак-истамасак, тежамкорлигу сариштакорлик, жумладан, маъракаларни тартибга солишни ўзимизнинг ҳар кунлик одатимизга айлантиришга мажбур қилади.

Мамлакат Ҳукумати мазкур қонун татбиқига доир тадбирларни даврама-даврa амалга ошириб, уларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилади ва таъминлайди.

Аммо шунинг бараварида, фуқаролик жамияти, зиёлилар, ота-оналар, катта ёшлилар, ёшлару хотин-қизлар ва жамиятнинг бошқа гуруҳлари ҳам бу қонун амалга оширилишида ўз ҳиссаларини ўтказишга вазифадордирлар.

**Маросиму маъракаларни тартибга келтириш борасида, хусусан, оналар ва аёллар кўпроқ ҳисса қўшишлари мумкин. Биз жамиятнинг бу фаол табақаси ва оила ҳимоячисини қадр-қимматига кўра баҳолаб, уларнинг манфаату ташаббусларини ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз ва ҳимоя қиламиз.**

**Аммо таҳлилу мушоҳадаларнинг кўрсатишича, танзим қонуни талаботлари бузилишининг аксар ҳолатида оналаримиз ва хотин-қизларимиз ташаббускору гуноҳкордирлар.**

4

# ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ ВА МУЛОҚОТЛАР

***5 июл куни Тожикистон ва Покистон ўртасидаги олий даражадаги учрашув ҳамда сўзлашувлар Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф билан тор доирада бошланиб, сўнгра иккала томон расмий делегациялари иштирокида давом этди.***



Давлат бошлиғи олиймақом меҳмонни самимий кутиб олар экан, ушбу мамлакат Бош вазирини Покистон Ислом Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзоликка қабул қилиниши муносабати билан табриклади.

Тожикистон ва Покистоннинг олий даражада давом этаётган сиёсий алоқалари жараёнидан қониқиш изҳор этган ҳолда, суҳбатдошлар икки давлатнинг дипломатик алоқалар ўрнатилиши 25 йиллиги давридаги муносабатлари замонавий тарихи учун эсда қоларли бўлган олий даражадаги учрашув ва сўзлашувларни муҳим ҳамда самарали, дея аташди.

Бугунги сўзлашувлар натижалари дўст мамлакатларнинг савдо, иқтисодиёт, илм, техника ва маданият соҳаларидаги икки томонлама дўстона муносабатларини икки баравар мустаҳкамлаб, келажакда Тожикистон ва Покистоннинг барча соҳалардаги ҳамкорликларини мустаҳкамлашнинг муҳим воситасига айланишига ишонч билдирилди.

Суҳбатдошлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликлар ва сиёсий ишончнинг бугунги даражасидан қониқиш изҳор қилар эканлар, иқтисодий ҳамкорликларни янада ривожлантириш учун самарали фаолиятни давом эттириш ҳамда Тожикистон ва Покистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорликлар бўйича ҳукуматлараро комиссияси ишини кенгайтиришни муҳим, дея аташди.

Икки мамлакат ва минтақа миқёсида юк ташиш ва транспортировка хизматини кўрсатишга ёрдам бериш мақсадида томонлар Икки томонлама транзит савдоси бўйича келишувни имкон қадар тезроқ тасдиқлаш заруратини қайд қилишиб, Покистон сармоявий доиралари Тожикистон озод иқтисодий минтақаси фаолияти, мамлакатимиз саноат, энергетика, транспорт, сайёҳлик, маориф ва соғломлаштириш инфратузилмаси соҳаларидаги йирик ва ўрта лойиҳаларида иштирок этишига умид билдиришди.

Давлат бошлиғи Тожикистон қуруқлик билан ўралган мамлакат ҳисобланишини, минтақа даражасида савдони кенгайтириш учун Покистон денгиз портлари имкониятлари ва мавжуд транзит тармоқларидан фойдаланишдан манфаатдорлигини айтди.

Томонлар, шунингдек, давлатларнинг минтақа ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё учун муҳим CASA-1000 лойиҳасининг амалга татбиқ этилишида ҳамкорлик қилишлари зарурлигини қайд этишди.

Олий даражадаги учрашув ва сўзлашувларда минтақа ва жаҳоннинг долзарб муаммолари, жумладан, иккала мамлакат ва бутун минтақа учун хавф туғдирувчи Афғонистон хавфсизлиги масаласи, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши кураш масалаларига доир фикр алмашинди.

Самарали учрашув ва сўзлашувлар жараёнида кўп қиррали ҳамкорликларни кенгайтириш учун фойдали йўл ва усулларни излаб топиш, уларни БМТ, ШҲТ, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда Иқтисодий Ҳамкорликлар Ташкилоти доирасида ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Иккала томон ҳам кенг ва бунёдкорона давлатлараро ҳамкорликларни мамлакатлар халқларининг узоқ муддатли манфаатларига мувофиқ дея баҳолашиб, Марказий ва Жанубий Осиё катта ҳудудида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга жиддий ҳисса қўшувчи минтақавий интеграцияни кенгайтиришни зарур ва муҳим, дея атадилар.

*«Ховар» ТМАА.*

# ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

**5 июл куни давлат бошлиқлари Эмомали Раҳмон ва Муҳаммад Навоз Шарифлар иштирокидаги олий даражадаги икки томонлама сўзлашувлар охирида ҳамкорлик тўғрисида бир қатор янги ҳужжатлар имзоланди.**

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф Тожикистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлат бошлиқларининг «Минтақавий муносабатлар учун стратегик шерикчиликка йўл» муштарак баёнотини имзолашди. Шунингдек, давлатлар бошлиқлари иштирокида Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида савдо тўғрисида ҳамкорлик меморандуми ҳамда Ширишоҳ Шоҳтемур номли Тожикистон Аграр университети ва Покистоннинг Пир Али Шоҳ Меҳр номли Равалпинди Аграр университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий базаси 50та ҳужжатдан иборат.

Ҳужжатлар имзоланиши маросими тугаганидан кейин, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф маҳаллий ва хорижий журналистлар кенг доираси учун матбуот анжумани ўтказиб, олий даражадаги учрашув ва сўзлашувлар натижаларини Тожикистон ва Покистон ўртасида дўстона муносабатлару ҳамкорликларни келгусида ривожлантириш учун муҳим, дея баҳолашди.

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКЛАР МАЙДОНИ КЕНГАЯДИ

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф иштирокидаги матбуот анжуманида сўзлаган нутқи

*2017 йил 5 июл, Душанбе шаҳри.*

**Ҳурматли оммавий ахборот воситалари намояндалари!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Дастлаб, сизнинг ҳузурингизда азиз дўстим ва биродарим Муҳаммад Навоз Шариф Жаноби олийлари, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири ҳамда унга ҳамроҳлик қилаётган делегацияга яна бир марта хуш келибсиз, дейман.

**Шунингдек, қулай фурсатдан фойдаланиб, покистонлик дўстларимизни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тенгҳуқуқли аъзоси бўлганликлари муносабати билан табриклайман.**

Биз Тожикистон ва Покистоннинг олий даражадаги сиёсий алоқаларининг давом этиши жараёнидан қониқиш изҳор этамиз.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг икки давлат ўзаро муносабатлари замонавий тарихида эсда қоларли бўлган дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги олдидан ташрифини жуда муҳим ҳисоблаймиз.

Ўзаро тушуниш ва самимият фазосида ўтган бугунги сўзлашувларимиз натижаси дўст мамлакатларимизнинг икки томонлама муносабатларини янада мустаҳкамлаб, Тожикистон ва Покистон ҳамкорликлари бутун мажмуи тараққиёти омилига айланишига ишончим комил.

Иккала томон ҳам кенг ва бунёдкорона ҳамкорликлар мамлакатлар халқларининг узоқ муддатли манфаатларига тўла мувофиқ келади, деган фикрда ҳамжиҳатдирлар. Бир вақтда мазкур учрашув Марказий ва Жанубий Осиё ҳудудида минтақавий интеграциянинг кенгайиши, тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланишида ҳисса қўшишига жиддий тарзда ёрдам бериши қайд қилинди.

Бу ҳолат муштарак декларацияда ўз аксини топган.

Биз икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ҳамкорликлар ва ишончнинг бугунги даражасини юқори баҳолаймиз.

Бизнинг фикримизча, доимий ва мазмунли сиёсий диалог келажакда ҳам томонларнинг кўп қиррали ҳамкорликларига туртки бериш омилига айланиши мумкин.

Шу билан бир вақтда, ҳукуматлараро муштарак комиссия ишини самарали давом эттириш ҳисобидан иқтисодий ҳамкорликлар майдонини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Олий даражадаги учрашув чоғида биз икки томонлама ҳамкорликларнинг савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий масалаларини ҳар томонлама ҳамда бутун тафсилотлари билан кўриб чиқдик. Томонлар барча йўналишлардаги ўзаро самарали ҳамкорликларнинг кенг имкониятлари ва бой захираларини зикр этишди. Шу сабабли, иқтисодий ҳамкорликлар соҳа ва йўналишларини кенгайтириш аҳамияти алоҳида қайд қилинди.

Икки мамлакат ўртасида ва минтақа миқёсида юк ташиш ҳамда транспортировка соҳаларида хизмат кўрсатишга ёрдам бериш мақсадида томонлар Икки томонлама транзит савдоси тўғрисидаги келишувни имкон қадар тезроқ тасдиқлаш заруратини қайд қилишди.

Дўст Покистоннинг сармоявий доиралари Тожикистон озод иқтисодий минтақалари фаолияти, уларнинг йирик ва ўрта лойиҳаларини амалга татбиқ этишда фаолу фойдали иштирок этишларига умид қиламиз. Бу айниқса, саноат, энергетика, энергетик ва транспорт инфратузилмаси, сайёҳлик, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳалари тараққиёт дастурларига тегишлидир.

CASA-1000 дастури Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари учун минтақавий аҳамиятга эга ва муҳим лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Тожикистон қуруқлик билан ўралган мамлакат. Шу асосда биз минтақавий даражада савдони кенгайтириш учун Покистон денгиз портлари имкониятлари ва мавжуд транзит тармоқларидан фойдаланишдан манфаатдорлигимизни яна бир марта қайд қилдик.

Иккала томон ҳам маданий-гуманитар ҳамкорликларни кенгайтириш мавзусида алоҳида эътибор қаратишди.

Бу йўналишда маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларида муштарак лойиҳаларни ўрганиш ва амалга татбиқ этиш ҳамда илмий-техник ҳамкорликларни кенгайтиришнинг истиқболини таъкидладик.

Биз долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар борасида кенг кўламда фикр алмашдик. Шу сабабли, кўп қиррали ҳамкорликларни кенгайтиришнинг самарали йўллари ва воситаларини излаб топиш, бу муносабатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва Иқтисодий Ҳамкорликлар Ташкилоти доирасида ривожлантириш ва такомиллаштириш мавзусига алоҳида қизиқиш билдирилди.

Минтақадаги бугунги вазиятни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш чоғида Афғонистон муаммоси суҳбатнинг асосий мавзуларидан бири бўлди. Афғонистонда вазиятни меъёрга келтириш, ушбу қўшни мамлакатда тинчлик ва тўлиқ барқарорликни ўрнатиш давлатларимиз учун жуда муҳимдир.

Биз Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни қайта тиклаш жараёнига ёрдам бериш учун икки томонлама ва кўп қиррали алоқаларнинг янада мувофиқлаштирилишига эга бўлишимиз керак, деган фикрга келдик.

Шунингдек, иккала мамлакат ва бутун минтақа хавфсизлигига хавф туғдирувчи терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси ва трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши кураш масалалари диққатимиз марказида бўлди. Бу йўналишда икки давлат махсус хизматлари ва бошқа тегишли тузилмаларининг фаолиятини янада кўпроқ мувофиқлаштириш давр талаби, дея аталди.

Тожикистон томони Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф Жаноби олийларининг расмий ташрифи доирасида эришилган натижалардан тўлиқ қониқиш билдириб, уни икки мамлакатнинг дўстона муносабатлар ва ўзаро самарали ҳамкорликларни кенгайтириш йўналишидаги яна бир янги қадами, дея баҳолайди.

# CASA-1000 ЛОЙИҲАСИ ИШТИРОКЧИ МАМЛАКАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШУВИ

***6 июл куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг Варзоб ноҳиясидаги «Пугус» шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида CASA-1000 лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувида иштирок этди ва нутқ сўзлади.***

Олий даражадаги учрашув ўтказилаётган жойда меҳмонларни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Суратга тушиш маросимидан кейин «Пугус» қароргоҳининг катта залида Тожикистон, Покистон, Афғонистон ва Қирғизистон давлат ва ҳукуматлари делегациялари ҳамда бир қатор халқаро молиявий ташкилотлар намояндалари иштирокида CASA -1000 лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари давлат ва ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Олий даражадаги учрашувда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф ва Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбековлар иштирок этишди.

Давлат бошлиғи олиймақом меҳмонларни самимий кутиб олар экан, Тожикистон томонининг CASA-1000 муҳим ва самарали минтақавий лойиҳасининг ўз вақтида амалга татбиқ этилишида фаол иштирок учун тайёрлиги ва бундан манфаатдорлигини қайд қилди.

Давлат ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати раҳбариятининг муҳим энергетик чора-тадбирлари ҳақида эслатар экан, Давлат бошлиғи бу йўналишда бажарилган ишлар нафақат бизнинг давлатимиз, балки минтақа барча мамлакатлари манфаатларига йўналтирилганини зикр этди.

Мамлакатимизнинг «яшил энергия» ишлаб чиқариш ишидаги имкониятларини бир неча баравар оширадиган Тожикистон кичик ва йирик гидроэнергетик лойиҳаларини амалга татбиқ этиш муҳимлиги қайд қилинди.

CASA-1000 лойиҳаси йирик минтақавий энергетик лойиҳалардан бири ҳисобланиши, унинг ўз вақтида амалга татбиқ этилишида Тожикистон ҳам лойиҳанинг бошқа иштирокчи мамлакатлари каби манфаатдор эканлиги, бу муҳим энергетик инфратузилма амалга татбиқ этилишидан яқиндан ҳамкорлик ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш билан бир қаторда, минтақа мамлакатларини қудратли энергетик кўприги билан бирлаштириши, мамлакатларимизнинг ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ҳамкорликларини кенгайтириб, чуқурлаштириши қайд қилинди.

Бундан ташқари, CASA-1000 лойиҳаси минтақаларимизда электр энергияси ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларини бирлаштирадиган минтақавий энергетик бозорнинг муҳим унсури сифатида аталди. Шунингдек, давлатимизнинг бутун йил давомида ички электр энергияси ишлаб чиқариш иқтидорларини ошириш воситасида электр энергияси узатишдаги имкониятлари намойиш қилинди.

Давлат бошлиғи CASA-1000 лойиҳасини давлат иқтисодиётида савдо ва инновацион меъёрларни амалга татбиқ этишнинг замонавий воситаси дея атар экан, тараққиёт бўйича шерикларнинг лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги

4

# Навоз Шариф Исмоил Сомоний ёдгорлигига гулчамбар қўйди

5 июл куни тожик халқига эҳтиром белгиси сифатида Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф Тожикистонга расмий ташрифи доирасида пойтахтнинг «Дўстий» майдонида жойлашган Миллий бирлик ва қайта уйғониш мемориал мажмуасига гулчамбар қўйди.

Муҳаммад Навоз Шариф ва унга ҳамроҳлик қилаётган шахслар тожиклар давлати асосчиси Исмоил Сомоний ёдгорлигига гулчамбар қўйишди.

Бу маросимда олиймақом меҳмонга Тожикистон Республикаси Энергетика ва сув захиралари вазири Усмонали Усмонзода ҳамда бошқа расмий шахслар ҳамроҳлик қилишди.

# CASA-1000 – МАМЛАКАТЛАР МАНФААТЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН ЛОЙИҲА

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг CASA-1000 лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида сўзлаган нутқи

*2017 йил 6 июл, Варзоб ноҳияси.*

**Жаноби олийлари!**

**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти, жаноб Муҳаммад Ашраф Ғани!**

**Покистон Ислом Республикаси Бош вазири, жаноб Муҳаммад Навоз Шариф!**

**Қирғизистон Республикаси Бош вазири, ҳурматли Сооронбай Шарипович Жээнбеков!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

**Энг аввало, сизларга Тожикистоннинг меҳмоннавоз заминига хуш келибсиз, дейишни истардим.**

Ўтган йилнинг май ойида биз CASA-1000 лойиҳасини амалга татбиқ этиш жараёнини бирга бошлаб бердик. У халқларимиз манфаати йўлида амалий ҳамкорликларимиз ва самарали ўзаро муносабатларимиз рамзига айланди.

CASA-1000 лойиҳаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлабгина қолмасдан, балки бизнинг фикримизча, мамлакатларимизнинг ҳаёт бошқа соҳаларидаги ҳамкорликларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлидаги кучли энергетик кўприк орқали бизни бирлаштириши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, CASA-1000 минтақавий энергетик бозорнинг муҳим унсури ҳисобланиб, у минтақамизда электр энергияси ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларини бирлаштиради.

Тожикистон унинг ишлаб чиқариш иқтидорини ошириш орқали йил давомида электр энергияси экспорт қилиш имкониятига эга.

Бу вазифани ҳал қилиш учун мамлакатимизда давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги бутун давр мобайнида зарур чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Аллақачон 1200 мегаваттдан зиёд умумий иқтидорга эга иккита ўрта ва бир қатор кичик гидроэлектростанциялар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2018 йил охиригача биз йирик Роғун ГЭСининг биринчи агрегатини фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

Шу билан бир вақтда, мамлакатда мавжуд гидроэнергетик иншоотлар реконструкцияси ва уларнинг ишлаб чиқариш иқтидорини ошириш ҳамда электр узатиш линиялари тармоқларини кенгайтириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилган ёки амалга оширилиш босқичида турибди.

Ушбу мақсадларга жалб этилган сармоялар умумий ҳажми 1 миллиард 800 миллион Америка долларидан зиёдни ташкил қилади.

Буларнинг барчаси «яшил энергия» ишлаб чиқариш соҳасидаги имкониятларимизни бир неча баравар оширади. Шуни таъкидлашни истардимки, унинг ишлаб чиқарилиши юзасидан мамлакатимиз Бутунжаҳон банкининг баҳолаши бўйича сайёрамизнинг олтита етакчи мамлакати гуруҳига киради.

CASA-1000 лойиҳасининг ноёблиги шундаки, мазкур лойиҳа энергия захираларига жиддий танқислик мавжуд бўлган Жанубий Осиё мамлакатларида истеъмол қилиш билан бирга, Марказий Осиё мамлакатлари электр энергияси ишлаб чиқаришни мувозанатлаштиришга ҳисса қўшади.

Мазкур лойиҳа иқтисодий ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган бир қатор энг муҳим масалаларни комплексли ҳал этишга ҳам ижобий таъсир кўрсатишга қодир.

Энергия захираларидан устувор фойдаланишни таъминлаш, янги иш жойлари яратиш, камбағаллик даражасини пасайтириш ва халқ турмуш даражасини юксалтириш мана шундай долзарб ижтимоий масалалар сирасига киради.

Умуман, CASA-1000 лойиҳасини амалга татбиқ этиш 2015 йил сентябридаги БМТ Бош Ассамблеяси доирасида тасдиқланган устувор тараққиёт соҳасидаги вазифа ва мақсадларни ўз вақтида амалга оширишга ҳисса қўшади, деб айтиш мумкин.

Жумладан, лойиҳани амалга ошириш бизнинг Еттинчи Устувор Тараққиёт мақсадларига эришиш бўйича ҳаракатларимизни жиддий қўллаб-қувватлайди. Унга мувофиқ, 2030 йилга келиб арзон ва ўз вақтида энергиядан умумий фойдаланишни таъминлаб, жаҳон энергетик баланси қайта тикланувчи энергия ҳиссасини сезиларли равишда ошириш зарур бўлади.

Шу билан бирга, CASA-1000 лойиҳаси иқтисодиётда янги тижорат стандартлари ва энг янги технологияларни жорий этиш омили ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб, тараққиёт бўйича шерикларимизнинг лойиҳани тайёрлаш ва амалга оширишдаги муҳим ролини алоҳида таъкидлаб, уларга фаол қўллаб-қувватлаганликлари ва самарали ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдиришни истардим.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Бугун биз бу ерда аввал белгилаб олинган режалар ижросининг боришини баҳолаш ҳамда CASA-1000 лойиҳаси амалга татбиқ этилиши муҳим ва биринчи навбатдаги вазифалари юзасидан фикр алмашиш учун йиғилдик.

Сўнгги учрашувимиздан кейин бир йил вақт ўтди. Ушбу давр мобайнида таҳлилчиларимиз, ваколатдор вазирлигу идораларимиз томонидан муҳим режалаштирилган вазифалар ҳал этилди.

Шу билан бирга, тендерлар ўтказиш ҳамда Афғонистон ҳудудида 550 километрдан зиёд узунликка эга бўлган юқори босимли электр узатиш линиялари қурилиши учун пудратчини белгилаш жараёнининг амалий тугатилишини таъкидлашни истардим.

Жорий йил охиригача конвертор станциялари ва бошқа электр узатиш линиялари қурилиши бўйича тендер таклифларини баҳолаш ниҳоясига етади.

Бироқ, бизнинг фикримизча, лойиҳани амалга татбиқ этишнинг бориши белгиланган муддатдан ортда қолмоқда.

Шунинг учун, CASA-1000 лойиҳаси амалга татбиқ этилиш жараёнининг келгусида сусташишига йўл қўймаслик ва алоҳида йўналишлар бўйича биргаликдаги ҳаракатларни амалга оширишни ҳаётан муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабли, фурсатдан фойдаланган ҳолда, қуйидаги фикрларим билан ўртоқлашишни истардим.

Биринчидан, режалаштирилган барча чора-тадбирларнинг белгиланган муддатда амалга татбиқ этилишини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, тегишли қарорларни қабул қилиш, тўртта иштирокчи мамлакат ҳудудида алоҳида компонентлар қурилишини имкон қадар тезроқ бошлашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, Афғонистон Ҳукуматининг ўз ҳудуди – тендер жараёнлари ниҳоясига етган лойиҳа компонентида электр узатиш линияси доимий токи қурилиши бошланиши бўйича ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таклиф қиламиз.

Тўртинчидан, CASA-1000 лойиҳаси ноёблигини назарда тутган ҳолда, янги механизм ва процедуралардан самарали фойдаланиш, ўзаро фойдали, ён берилган ва ўз вақтидаги қарорларни топиш ҳам талаб этилади.

Бешинчидан, доимий ва алмашиш токига эга 1342 километр юқори волтли узатиш линияларини бунёд этиш, конвертер подстанциялари қурилиши ва энг янги ускуналарни қўллаш энергетиклар олдига қўшимча ва жиддий вазифаларни қўяди.

Уларни ўз вақтида ҳал этиш учун лойиҳа иштирокчи мамлакатлари ва тараққиёт бўйича шерикларнинг тўлиқ қўллаб-қувватлаши ҳаётан муҳимдир.

Олтинчидан, CASA-1000 лойиҳасини олға силжитишнинг сўнгги йиллардаги тажрибаси лойиҳани бошқарув амалий механизмлари фаолиятини оптимизациялаш йўлларини кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Ўзгариб турган ташқи ва минтақавий шароитлар, замонавий дунё таҳдид ва хатарлари лойиҳанинг тез орада ва тўлиқ ниҳоясига етказилиши учун биздан амалий ҳамда қатъий чора-тадбирларни талаб қилади.

Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа амалга оширилишидаги сустлашув туфайли иштирокчи мамлакатлар ҳар йили 500 миллион Америка долларидан зиёд маблағ йўқотишлари мумкин.

Шунинг учун, қарор қабул қилишга ваколатдор бўлган расмий шахсларнинг учрашувларини мунтазам равишда ўтказишни таклиф қиламиз.

Шу билан бирга, лойиҳа иштирокчи мамлакатлари олий даражадаги ҳар йиллик учрашувлари ўтказилиши имкониятини кўриб чиқиш таклифини илгари сурамиз.

Сўзим охирида CASA-1000 лойиҳаси энергия тизимларимизни бирлаштирибгина қолмасдан, балки икки минтақа мамлакатларининг ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаати йўлидаги ўзаро самарали интеграциясида биринчи қадамга айланишга ҳам қодирлигини таъкидлашни истардим.

Лойиҳани самарали ва ўз вақтида амалга татбиқ этиш устувор тараққиётга эришишда бирдамлигимизнинг ёрқин мисолига айланиши мумкин.

Барча манфаатдор томонлар бу муҳим ва стратегик ишда имкон қадар кўпроқ ҳисса қўшишларига самимий умид қиламиз.

**Диққатингиз учун ташаккур.**

*«Ховар» ТМАА.*

# CASA-1000 ЛОЙИҲАСИ ИШТИРОКЧИ МАМЛАКАТЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШУВИ

3

муҳим ролини қайд қилди.

Тожикистон Республикаси Президенти бугунги тадбирнинг мақсади CASA-1000 лойиҳасини амалга татбиқ этиш бўйича аввал белгиланган режалар ижросининг боришини баҳолаш ҳамда муҳим ва биринчи навбатдаги вазифалар борасида фикр алмашишдан иборатлигини айтар экан, делегациялар раҳбарларини барча режалаштирилган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, тўртта давлат ҳудудида лойиҳанинг алоҳида қисмларини амалий якунлаш, Афғонистон ҳудудида юқори босимли электр узатиш линиясини имкон қадар тезроқ қуриш, янги механизмлар ва усуллардан самарали фойдаланиш, муаммоларни ҳал этишнинг ўзаро самарали, ён берилган ва замонавий йўлларини излаб топиш, 1342 километрдан зиёд доимий ва алмашув токи юқори волтли узатиш линиялари қурилиши, конвертер подстанциялари бунёд этиш, энг янги ускуналардан фойдаланиш, лойиҳани бошқариш амалдаги механизмлари фаолиятини оптимизациялаш йўлларини кўриб чиқишга чақирди.

CASA-1000 лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков ҳамда Бутунжаҳон банки намояндаси Ранжит Ламеклар чиқиш қилишиб, ўз давлатларининг CASA-1000 йирик минтақавий лойиҳасининг амалга оширилиши йўлидаги роли ва мавқеларига доир конструктив ҳамда асосли таклифу тавсияларини билдиришди.

Саммит иши охирида CASA-1000 лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари давлат ва ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви якуни бўйича муштарак декларация қабул қилинган бўлиб, бу мазкур минтақавий даражадаги тадбирга муваффақиятли якун ясаш белгиси ҳисобланади.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2016 йилнинг 12 майида Турсунзода шаҳрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Ижроия Раиси Абдулло Абдулло, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф ва Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбековлар иштирокида CASA-1000 электр узатиш линияси минтақавий лойиҳаси амалга татбиқ этилишига тамал тоши қўйилганди.

CASA-1000 лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви тугагандан кейин, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон олиймақом меҳмонлар - Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбековларни «Пугус» қароргоҳида Тожикистон деҳқонлари ютуқлари билан таништирди.

Кўргазмада меҳмонлар мазали, сархил мевалар, қуруқ мевалар, полиз экинлари ва асалнинг турли хили билан танишдилар.

# МУҲАММАД АШРАФ ҒАНИ БИЛАН СУҲБАТ

**6 июл куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг «Пугус» шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан учрашди.**

Тожикистон ва Афғонистон расмий делегациялари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда томонларни қизиқтирувчи соҳалардаги давлатлараро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг Тожикистон Республикасига навбатдаги ташрифи Тожикистон ва Афғонистон халқларининг эзгу муносабатлари ва тарихий дўстлигини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида шахдам қадам сифатида баҳоланди.

Икки давлатнинг олий даражадаги доимий сиёсий алоқалари дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йили мобайнида доимий хусусиятга эга бўлиб, ҳақиқатдан ҳам тарихий ютуқлар билан тўла эканлиги қайд қилинди.

CASA-1000 тарихий лойиҳасини амалга татбиқ этиш доирасидаги давлатлараро ҳамкорликлар ва интеграция олий даражадаги алоқаларнинг ёрқин мисоли дея аталиб, Афғонистон раҳбариятининг бугунги саммит ишида бевосита иштироки бу муҳим минтақавий лойиҳанинг Афғонистон Ҳукумати томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши яна бир исботига айланди.

Дўстона ва тўлиқ ўзаро тушуниш фазосида ўтган учрашувда Тожикистон ва Афғонистоннинг иқтисодиёт, савдо, тўғридан-тўғри сармоялар, энергетик инфратузилма, автомобил ва темир йўллари соҳаларидаги келгусидаги ҳамкорликлари ҳамда муштарак ва минтақавий транзит имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Томонлар, шунингдек, Афғонистонда умумий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, жиноятчилик ва жиноятлар, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш ва давлатлараро чегараларни мустаҳкамлашга доир келгусидаги ҳамкорликлар борасида фикр алмашишди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга Афғонистонда ҳарбий-сиёсий вазиятни меъёрлаштириш, бу мамлакатни минтақа ва халқаро даражада қўллаб-қувватлашга йўналтирилган доимий ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирар экан, Афғонистон томони Тожикистоннинг диққати ва қўллаб-қувватлашига жавобан давлатлараро ҳамкорликлар даражаси ва сифати иккала давлат миллий манфаатларига мувофиқ бўлишига ҳамиша интилишини қайд қилди.

Учрашувда, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

**6 июл куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков билан учрашди.**

Суҳбат чоғида Тожикистон ва Қирғизистон ҳукуматлараро муносабатлари ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Тожикистон ва Қирғизистонни умумий чегаралар, дарё ҳавзаларидан биргаликда фойдаланиш, зарур йўл-транспорт инфратузилмаси боғлаб туриши, ҳамкорликларни келгусида ривожлантиришу кенгайтириш учун қулай шароитлар ва кенг имкониятлар мавжудлиги қайд қилинди.

Икки қўшни давлатнинг CASA-1000 юқори волтли линия минтақавий лойиҳасини амалга татбиқ этиш доирасидаги ҳамкорликлари ўзаро самарали, дея аталди.

Суҳбатдошлар томонидан Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси савдо-иқтисодий ҳамкорликлар бўйича ҳукуматлараро комиссияси, икки томонлама муносабатларни тартибга солувчи бошқа комиссия ва ёрдамчи комиссиялар ишини кучайтириш асосида иқтисодий ва савдо соҳаларидаги давлатлараро алоқалар даражасини яхшилаш учун конструктив ғоялару таклифлар илгари сурилди.

Учрашувда, шунингдек, Тожикистон ва Қирғизистоннинг йўл ва транспорт, энергетика, сув захиралари ва чегара ўтказиш нуқталаридан унумли фойдаланиш ҳамда темир йўллари ва газ қувурлари йирик минтақавий лойиҳаларида фаол иштирок этиш соҳаларидаги ҳамкорликлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, қўшни давлатларнинг илм, маориф ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликларини ривожлантиришу кенгайтиришга етарлича эътибор қаратилди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига ёрдам бериш, халқаро терроризм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши муросасиз кураш масаласи томонларнинг мазмунли суҳбати мавзусига айланди.

*«Ховар» ТМАА.*

# УЧ ТОМОНЛАМА УЧРАШУВ

***6 июл куни Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг Варзоб ноҳиясида жойлашган «Пугус» шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ҳамда Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифлар билан уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.***



Давлат бошлиғи қўшни мамлакат олиймақом меҳмонларини Тожикистон заминига яна бир бор хуш келибсиз дер экан, биз умумий узлуксиз, ижтимоий, маданий ва маънавий алоқаларга эга қўшнилар эканлигимиз, бизнинг миссиямиз бу тарихий алоқаларни келажакка катта ишонч, қатъият ва доимий интилиш билан мустаҳкамлашу кенгайтиришдан иборатлигини айтди.

Уч – Тожикистон, Афғонистон ва Покистон давлат бошлиқларининг 2014 йил баҳоридаги учрашувлари ҳақида эслатган Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон CASA-1000 минтақавий лойиҳаси ушбу даврда амалга татбиқ этилишининг бошланиши мазкур давлатлар катта ва тарихий ютуқларидан бири ҳисобланишини қайд қилди.

Уч томонлама учрашувда бу стратегик лойиҳани кенг нуқтаи назар ва мустаҳкам ирода мавқеидан амалга ошириш жараёнини тезлаштириш зарурати қайд қилиниб, делегациялар раҳбарлари минтақа давлатлари интеграцияси ва уларнинг устувор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш мақсадида лойиҳани кечиктирмасдан амалга татбиқ этиш учун самарали чора-тадбирларни амалга оширишга ҳидоят қилинди.

Шунингдек, темир ва автомобил йўллари қурилиши, ҳаво ва телекоммуникацион алоқалар ҳамда минтақавий интеграцияни ривожлантириш, транзит йўлларидан фойдаланиш ва уч мамлакат транзит савдоси тўғрисидаги келишувни имкон қадар тезроқ имзолаш орқали мамлакатларнинг коммуникацион базаларини кенгайтириш бўйича муштарак лойиҳаларни амалга татбиқ этишга йўналтирилган конструктив таклифлар илгари сурилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликларни уч мамлакат халқлари манфаатлари йўлида янада кенгайтириш минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили, дея аталди. Замонавий механизмлардан фойдаланиш – савдо-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари кўргазмалари ва форумларини ўтказиш, жумладан, қишлоқ хўжалиги ўзаро имкониятларини янада кўпроқ тарғиб этиш ва намойиш қилиш мақсадида биргаликда сармоялаштиришга ёрдам бериш фойдали, дея баҳоланди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Давлат бошлиғи бу йўналишдаги биринчи қадам сифатида анъанавий Меҳргон байрами кунлари жорий йилнинг октябрида Душанбе шаҳрида Тожикистон, Афғонистон ва Покистон қишлоқ хўжалиги ва халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари кўргазмасини ўтказишни таклиф қилди.

Куннинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, айниқса, камбағаллик сатҳини пасайтириш, иш жойлари яратиш, аҳоли ижтимоий ҳимояси даражасини юксалтириш ва жамият устувор тараққиёти мақсадида замонавий технологияларни жалб этиш учун бунёдкорлик ва ўзаро тушуниш руҳида муштарак ташаббуслар қабул қилинишига ишонч билдирилди.

Томонлар, шунингдек, Афғонистондаги мураккаб сиёсий ва ҳарбий вазиятни барқарорлаштириш, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда фаол иштирок этиш йўлида уч томонлама ҳамкорликлар билан боғлиқ муҳим масалалар юзасидан ҳам фикр алмашишди.

*«Ховар» ТМАА.*

# ЭЗГУ СУННАТ ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ САЙҚАЛИ

2

**Оналаримиз ва опа-сингилларимиз расму русумлар, хурсандчилик маросимларию азадорлик маъракаларида ҳам фаол бўлишиб, қонун талаботига риоя этган ҳолда, ўз хонадон ва оилаларига енгилликлар келтиришсин.**

**Улар сабру бардошли бўлишсин, ўзини кўрсатишу юзаки қараш, кибру ғурур ва ўзларини бошқалардан устун қўйиш туйғусига йўл бермасинлар, ортиқча ва нораво сарф-харажатлар ва қонун томонидан ман қилинган ўрганишсин, замонавий касбу ҳунарларни ўзлаштиришсин, рўзғор юритиш мактабларидан огоҳ бўлишсин, ўзларининг саодатли ҳаёти учун замина яратиб, сўнгра оила барпо этишсин. Агар ёшлар ўзларининг мустақил ҳаётини ушбу меъёрлар асосида йўлга қўйишса, албатта, бахтли бўлишади.**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Ҳар бир қонун вақт ўтиши ва юзага келган шароит тақозоси билан ўзгартишу қўшимчалар киритишга эҳтиёж сезиши табиийдир.

Шунингдек, давлат ҳар қандай ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ё қонунга ўзгартишу қўшимчалар киритиш жараёнида, энг аввало, халқ манфаати ва жамият осудалиги таъминланиши ҳамда ҳимоя қилинишига ҳар доим ҳаракат қилади.

Ёш давлатлар давлат барпо этиш жараёнида баъзан шундай қонунларни қабул қилишадики, улар шу даврга хос бўлиб, давлат устуворлиги ва унинг асосларини мустаҳкамлаш, жамият тартиботини кучайтириш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жамият ва ахлоқ тараққиётига йўналтирилган бўлади.

Мазкур қонун ҳам шундай қонунлардан бири бўлиб, энг аввало, ижтимоий тенгликни таъминлаш ва жамиятда камбағаллик сатҳини камайтириш ҳамда шу заминада фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган.

Ўн йиллик тажриба "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонунни жамиятни ривожлантириш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш йўлида такомиллаштириш зарурати юзага келганини кўрсатди.

Агар бугунгача мамлакат аҳолисининг кўп сонли истагу илтимослари билан мазкур қонунга икки марта ўзгартиш киритилган бўлса-да, аммо қонунга яна бошқа баъзи қўшимчаларни киритиш зарурати туғилди.

Мамлакат фуқаролари бу ҳаётан муҳим ҳужжатга ўзгартишу қўшимчалар киритиш истовчилари бўлишиб, ижтимоий шароит ва оилалари ҳолатини яхшилаш йўлида аниқ таклифларни илгари суришди. Уларнинг аксариятини қабул қилса бўлади.

**Кўп ватандошларимиз қонун ижроси назоратини кучайтириш, доимий ва жамият комиссиялари ишини мустаҳкамлаш, жамият комиссиялари фаолияти кифоя эмаслиги, қонунда фуқаролар ҳуқуқу мажбуриятлари назарда тутилмагани борасида ўз фикрларини баён этишиб, маъракалар ўтказиш вақтини ёз ва қиш фаслларига ажратиш, оила барпо этиш доирасида суннат тўйларини ўтказиш ва чақалоқ туғилганидан саккиз кундан йигирма кунликкача тиббий муассасаларда суннат қилдириш борасида бошқа ташаббусларини илгари суришди.**

Бундай фикру таклифлар давлат ҳокимияти ижроия органлари ва бошқа маҳаллий тузилмалару органлардан ёзма, жумладан, мамлакат фуқароларидан умумий ахборот воситалари орқали оғзаки-ю ёзма, телевидение ва интернет тармоқларидаги "озод микрофон" орқали баён этилаётган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўрганиб чиқилиши керак.

**Шунга боғлиқ ҳолда, Президент Ижроия аппаратига тегишли тузилма-ю органлар ходимлари ҳисобидан салоҳиятли комиссия таъсис этган ҳолда, органлару ташкилотлар ва фуқаролар истакларини ҳар томонлама баҳолаш ҳамда икки ой мобайнида мазкур қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир хулосалари, шунингдек, унинг оммавий тафсирини ишлаб чиқиб, мамлакат Ҳукуматига тавсия қилиш топшириғи берилади.**

Шунингдек, маҳаллий органлар раҳбарлари, фуқаролик жамияти, жамиятшунос олимлар ва диний бирлашмалар шаҳру ноҳияларда садақа ва хайрни етимлару ногиронлар ва камтаъминланган оилаларга беришга доир ишларни янада кенгайтиришлари зарур.

Бу масалага доир мен неча марта ишора қилганман ва яна бир марта таъкидлайман, камтаъминланган одамлар фитр садақасини топширмасинлар, балки яшаш шароитлари яхшиланиши йўлида ҳаракат қилишсин.

**Шу билан боғлиқ ҳолда, Маориф ва илм, Маданият вазирликлари, Дин ишлари, анъаналар, тантаналар ва миллий маросимларни тартибга солиш комитети, Исломшунослик маркази, Уламолар кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва ноҳиялар раислари, шаҳарча-ю қишлоқ жамоатлари раҳбарлари, доимий комиссиялар, чунончи, масжидлар хатиблари ва дин уламолари камтаъминланган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлашда бундан кейин ҳам шундай ҳамкорликларни йўлга қўйишга вазифадор этиладилар.**

**Хусусан, ноҳияларда шаҳарча-ю қишлоқ жамоатлари раислари ва шаҳарда маҳаллалар раислари маросиму анъаналар ва хурсандчилигу азадорлик маъракалари ўтказилишида қонун талаботига жиддий риоя этишиб, исрофгарчиликларга йўл беришмасин.**

**Шунинг учун ҳам, сиз, шаҳарча-ю қишлоқ жамоатлари ва маҳаллалар раисларини бугунги тадбирга таклиф қилдик ва қонун ижроси сатҳу сифати ва чора-тадбирлар камхаражат ўтказилишига жиддий эътибор беринг ва жамият барча табақалари орасида қонун талаблари ижросини таъминлашингизни таъкидлайман.**

**Ҳар бирингиз ўз вазифа ва мажбуриятларингизни масъулият билан ижро этиб, пок ният билан ишланг, халққа бошчилик қилинг ва бу ҳаётан муҳим қонун талаботи бузилишига йўл қўйманг.**

**Бу қонун талаботининг сўзсиз ижросига доир тинимсиз таъкидлашлардан мақсад, энг аввало, азиз Ватанимиз ҳар бир фуқароси ҳаёти даражаси ва сифатини яхшилашдан иборатдир.**

**Давлат раҳбарининг мақсади ҳам мамлакатнинг ҳар бир фуқароси янада яхши шароит ва ободу гўзал уйларда яшашлари, муносиб ҳаёт шароитини яратиш йўлида ҳаракат қилишлари билан боғлиқдир.**

Фурсатдан фойдаланган ҳолда, яна битта муҳим масала юзасидан ўз фикр-андишаларимни билдирмоқчиман. Ислом шариати ва ҳанафий фиқҳи фармойишларига биноан, ҳар бир садақа бирор шартга боғлиқ бўлса, савоби холисона бўлиши моҳиятини йўқотади.

Бошқача қилиб айтсак, "шарт" шуки, қирқ, йил ё бошқа аза маъракаларида, уч кунликдан ташқари, маърака бериш ва чорва сўйиш садақа эмас ва хайрнинг холисона эканлигини фиқҳ ва шариат нуқтаи назаридан йўқотади.

Шу масала билан боғлиқ ҳолда, Қуръони Каримга асосан, Ислом динида мажбурлаш, яъни бирор кишини қайсидир ишни қилишга мажбур қилиш мумкин эмаслигини эслатаман.

Шунингдек, Имом Бухорийнинг "Саҳиҳ"идаги ҳадисларга мувофиқ, зикр этилган азадорликка доир пайғамбар саҳобаларидан бир қатор мисолларга ўрин берилган бўлиб, уларда аза маросими уч кун қилиб белгиланган. Масалан, бир ҳадисда келади: "Мурда учун уч кундан зиёд аза тутиш жоиз эмас".

Бошқа ҳадисларда фақат уч кун ва уч кундан кейин хонадондан қоралигу ғамни оқлаш зикр этилган.

Шунингдек, мурда устида ҳаддан ташқари доду фиғон кўтариш дуруст эмаслиги таъкидланган. Шунга боғлиқ ҳолда, Худо пайғамбарининг бир ҳадисида шундай келтирилади: "Ҳақиқатдан ҳам, маййит қариндошларининг йиғи-ю фарёдларидан гўрда азобланади".

Бошқа ишора - аза кунларида қўшнилар уйидан таом келтириш ҳадисларда таъкидланганидек, одамийлик сифатига эга бўлиб, бугунги кунгача ҳанафий мазҳаби издошлари унга риоя этишади.

Бу амал оила аҳли учун тайёрланган таомнинг ортиқчаси азадор хонадонга киритилган ҳолатда савоб ҳисобланади.

Халқ орасида бу амал урфга айланган. Аммо, хусусан, азадор томонидан чорва сўйиш шариат ва ҳадисларда куфр ҳисобланган. Азадор шахснинг моли сўйилмаслиги керак, балки етим фарзандларига тақсимланиши керак.

Шу сабабли, кўпгина ватандошларимиз азадорлик маъракалари, жумладан, қирқ ва йил тартибга солиниб, таом берилмасдан ўтказилишини таклиф қилишган. Бундай ҳолатда фотиҳа ўқувчи одамлар сони чекланмагани дурустлиги таклиф қилинган.

Ҳалок бўлган киши учун фотиҳа-ю дуодан бошқа амаллар савоби йўқ бўлиб, азадор оила ва унинг хонадонига зарар ҳисобланишини яна бир марта таъкидлайман.

Мўмин киши ўз зарарига эмас, балки ўзининг шароити яхшиланиши, оиласининг саодати учун ҳаракат қилсин. Қуръонда келтирилганидек: "Худо парҳезгорларни севади".

Уламолар ва дин ходимлари халққа ҳар бир киши ҳаётида ўзидан эзгу амаллари билан ном қолдиришга вазифадор эканлигини тушунтирсинлар. Зеро, унинг ҳар бир хайрли амали номаи аъмолига ёзилади. Шахс оламдан ўтгандан кейин фарзандлари ва ортида қолганлар беҳуда сарф-харажатнинг ўрнига ҳар куни Қуръон тиловат қилиб, унинг арвоҳини шод этишлари мумкин.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

**Мазкур қонун аҳамияти ва заруратига доир яна иккита ниҳоятда муҳим масала - миллий тафаккур шаклланиши ва халқ, хусусан, ўсмирлару ёшларнинг ўзликни англаш туйғулари шаклланишига ҳисса қўшувчи давлат тилига кўпроқ эҳтиром кўрсатиш ва миллий маданиятга риоя этиш борасида тўхталмоқчиман.**

**Миллат тили давлатчиликнинг муҳим рукнларидан бири бўлиб, уни ҳимоялаш, меъёрлар ва қадимий халқ тили ва қимматбаҳо асарларига риоя этиш, бу гўзал ва шоирона тилнинг луғат захирасини бойитиш ҳар бир ватанпарвар кишининг вазифаси ҳисобланади.**

**Айниқса, маърака-ю чоратадбирлар, маҳфилу суҳбатлар ва жамият жойларида адабий тилда сўзлашиш, тожик тили меъёри талаботларига сўзсиз риоя этиш виждоний қарзимиздир.**

**Биз бугунги шароитда тилимиз тараққиётига жиддий эътибор беришимиз ва уни турли хил бегона унсурлар таъсиридан сақлашимиз керак.**

**Миллий маданият маънавият устуворлиги ва давлатчилик арконларини мустаҳкамлаш асоси сифатида ниҳоятда катта қийматга эга бўлиб, уни ҳимоялаш ва келажак авлодга азиз халқимизнинг бу маънавий бойлигини мерос қолдириш давлат ҳамда мамлакатимиз барча фуқароларининг вазифаси ҳисобланади.**

**Аммо сўнгги йилларда интернет тармоқлари ва алоҳида гуруҳларнинг таъсири билан шаҳру ноҳияларимиз, хусусан, хотин-қизларимиз орасида маданиятимизга бегона бўлган кийиниш тарзи тарғиби кучайган бўлиб, бу ташвиш боисидир.**

**Хотин-қизларимизнинг чекланган бир гуруҳи диндорликни ботинда эмас, балки зоҳирда, дея тасаввур қилишиб, қора рангли либослар кийиш орқали миллий маданиятимиз қадриятларини поймол ва жамият маънавий фазосини хира қилишмоқда.**

Гап шундаки, Худони кийим-кечак, сатру ҳижоб ва салла-ю соқол билан эмас, балки қалб билан эҳтиром этишади.

**Шунга боғлиқ ҳолда, давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органлари ва давлат тегишли тузилмалари бу номаъқул ҳодиса олдини олиш йўлида қатъий чоралар кўришлари зарур.**

**Бир неча марта такрор ва такрор айтдим ва яна бир марта таъкидлайман, глобализация шароитида агар бирор давлатни йўқотмоқчи бўлишса, аввал тили ва сўнгра маданиятини йўқ қилишади.**

**Биз бегонапарастликнинг номаъқул ҳодисасини имкон қадар тезроқ орадан кўтариб, хотин-қизларнинг миллий либосларини кўпроқ тарғиб этишимиз, тақлиду таассуб ва юзаки қарашнинг олдини олишимиз ва хотин-қизлар орасида тушунтириш ишларини кенгайтиришимиз зарур.**

**Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, хусусан, хотин-қизларимиз мустақил, озоду тинч ва осуда давлатга шукрона этиб, касбу ҳунар эгаллаш пайидан бўлишлари, ўзлари учун обод хонадону рўзғор, бугунгидан кўра яхшироқ шароит муҳайё қилишлари, ўз уй-жойларини озода тутишлари, иффатлию маърифатли бўлишлари, яхши рафтору амаллари ва маъракаларни ўтказишдан ўзларини тийсинлар.**

Байрамлар арафасида озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар хариди шунчалик кўпаядики, гўё бугун ё эртага ҳаёт охирига етиши кутилаётган бўлса. Бу биз эртанинг фикрини қилишимиз ва бир кунлик байрам дастурхони тузатиш учун оиланинг бир неча ойлик бюджетини сарфламаслигимиз керак бўлган ҳолатда юз беради.

**Шунинг баробарида, меҳрибон аёлларимиз оила ва умр йўлдошларининг заҳмати қадрига етишсин. Улар серхаражату серташвиш маъракалардан кейин руҳий азобга гирифтор ва қарздор бўлиб қолишларига йўл қўйишмасин.**

Эслатиб ўтиш жоизки, ҳар бир хонадоннинг хайру баракатини сақловчи оналару иффатли аёлларимизнинг эзгу фазилатларига доир аждодларимиз асарларида кўп марта айтиб ўтилган бўлиб, улардан бири шундайдир:

**Агар бўлса аёл**
**итоаткор ҳамда порсо,**
**Дарвиш эрини етказур**
**то мақоми подшо.**

Дарҳақиқат, оқила ва узоқни ўйловчи аёл оила сарф-харажатларининг қадрига етади ва эри келтирган маҳсулотларни беҳуда сарфламайди.

Бундай оилалар фарзандларининг таълиму тарбияси ва касбу ҳунарли бўлишлари учун ҳаракат қилишиб, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашади, ўзларининг турмуш шароитини яхшилашади, оилавий тарзда дам олиш масканлари ва табобатгоҳларга боришиб, ўзлари-ю фарзандларининг саломатлиги ва хушбахт бўлишини ўйлашади.

Ёшлар ҳам бу йўлда ота-оналарининг ҳамқадами бўлишсин ва ҳеч қачон исрофгарчиликларга йўл қўймасинлар.

Улар ота-оналари заҳматининг қадрига етиш ва ҳаддан ташқари қимматбаҳо ашё-ю жиҳоз, зеб-зийнатларни талаб қилмасдан, аксинча, оила мустаҳкамлиги, хонадон аҳлининг устуворлиги йўлида андиша қилишиб, билим, касбу ҳунар ўрганиш ва жамиятда аниқ мавқега эга бўлиш учун ҳаракат қилишга вазифадордирлар.

**Биз бугун мамлакатимиз ёшлари ор-номусли бўлиб, саводу маърифат ва кенг дунёқарашга эга эканликларини ифтихор билан айта оламиз. Улар умр йўлдоши танлаш ва оила мустаҳкамлигини ҳимоялашда ҳам ҳаракат қилишиб, анъана-ю маъракаларни тартибга солиш риоясида ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.**

**Шунинг баробарида, ҳаётда шошилмасдан, аввал илм фикрлари билан бу Ватан, бу миллат ва бу давлатнинг шарафини кўкларга кўтаргувчилар бўлишлари керак.**

**Биз XXI аср, яъни катта илмий ва технологик ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Дунё мамлакатлари тез суръатда ривожланиб, инновацион ва коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, ниҳоятда кўп ютуқларга эришишмоқда.**

**Шу сабабли, биз ҳам замонавий билимларни эгаллашга ҳаракат қилишимиз, фарзандлар таълиму тарбиясига жиддий аҳамият беришимиз, замонавий илму технологиялар ва ривожланган маданият ютуқларидан фойдаланиб, ўз дунёқарашимизни кенгайтириш учун саъй-ҳаракат қилишимиз, мамлакатни ўрта асрларга олиб борадиган унсурларга тақлид қилишга беҳуда уринмаслигимиз зарур.**

**Неча аср илгари шу тақлидчиликни буюк Мавлоно қоралаб, шундай деган эди:**

**Халқни ўз тақлиди**
**қилди барбод,**
**Бўлсин бу тақлидга**
**икки юз лаънат!**

**Ор-номусли ҳар бир фуқаронинг вазифа ва қарзи шундан иборатки, фарзандлар тарбияси, уларнинг касбу ҳунар эгаси бўлишларига ҳаракат қилишсин, Ватанларини нафақат сўзда, балки амалда севишсин, уни ободу кўркам қилишсин. Замонавий дунё ютуқларини ўрганиб, уларни ҳар биримизнинг ёрқин келажагимиз бўлган Тожикистонда амалга оширишсин, ўзларининг мавжудлигини шу сарзаминнинг мавжудлиги билан боғлаб, унинг тараққиёти йўлида ҳамиша саъй-ҳаракат қилишсин.**

**Ҳар бир фуқаро ва ҳар бир уйғоқ қалбнинг ватанпарварлик қарзи шудир!**

**Биз биргаликда ўзимизнинг бу виждоний амримизни ҳаётга татбиқ этишимиз ва бугунгидан ҳам муносиброқ ҳаёт эгасига айланишимиз мумкин!**

**Ор-номусли халқимиз бундан кейин ҳам ўз миллий давлатчилиги тараққиёти учун масъулиятни ҳис этган ҳолда, барча куч-қуввати билан фаолият юритиши ва ўзининг аждодий Ватанини ҳақиқий гулистонга айлантиришига ишончим комил.**

**Бу узун ва фахрли йўлда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ва сиз, ҳурматли иштирокчиларга муваффақиятлар тилайман.**

**Қаддингиз тик ва хонадонингиз обод бўлсин, азиз юртдошлар!**

*"Ховар" ТМАА.*

# АЗ ҚАДИМ ЎЗБЕГУ ТОЖИК ЭТ БИЛАН ТИРНОҚ ЭРУР…

## «Ўзбекистон» телеканалида намойиш этилган «Йиллар синовида тобланган дўстлик» ҳужжатли филми томошасидан кейинги ўйлар…

Тожик ва ўзбек халқлари дўстлигининг теран илдизи асрлар қаъридан сув ичади. Бу икки халқнинг руҳияти бир, бир заминда яшашади, уларнинг урф-одатлари, маданият ҳамда санъатлари уйғунлашиб кетган. Асрлар давомида бир дарё сувини ичиб келаётган бу иккала халқнинг урф-одатлари муштарак, бозори ва мозори бир.

Собиқ Шўролар давлати парчаланиб, иттифоқдош республикалар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақилликларини белгилаб олгач, Марказий Осиё давлатлари ҳам асрлар давомида орзу қилинган истиқлолиятларини қўлга киритди. Соҳибистиқлол қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатлар янгича маъно касб этди, ҳамкорликларнинг замонавий босқичи бошланди.

Жумладан, Тожикистон ва Ўзбекистон мустақил республикалари ҳам иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳамкорликлар қайтадан йўлга қўйилди.

- Тожиклар ва ўзбеклар икки тилда гаплашадиган бир халқдир, - деган эди, мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, тожик-ўзбек халқларининг ўйлари ҳам бир, тўйлари ҳам. Бу икки биродар элнинг дастурхонлари ўхшаш, тўни, оши, ҳовлиси бир-бирига монанд. Ҳатто, ўзбеклар ва тожикларнинг сиймоси ҳам бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Бу иккала халқ вакиллари бир жойга тўпланишганда, ким ўзбегу, ким тожиклигини ажратиш қийин.

- Расм-русумларимиз ҳаммаси бир хил, ҳатто, киядиган кийимларимиз ягона, тўй-ҳашамларимиз ўхшаш, - дейди филмда Чирчиқ шаҳар «Суғдиён» тожик миллий маданият маркази раиси Орзигул Абдураҳмонова. – Ҳеч ким ўзбек-тожикларни бир-биридан ажратолмайди. Биз қондошу жондош халқлармиз, фақат иккита тилда сўзлашамиз, холос.

- Дунёда тожик ва ўзбек халқларидек бир-бирига ўхшаш, ҳаётларининг барча қирралари муштарак бўлиб кетган, ўзаро жуда ҳам яқин бошқа икки халқни учратиб бўлмайди, - деди қабодиёнлик таниқли шоир Неъмат Муҳаммад Саид. – Гўё Парвардигор бу икки халқни бир қилиб яратгану икки тилда сўзлаштириб қўйгандек…

Филмда таъкидланишича, икки халқ орасидаги қондошлигу жондошлик, қуда-андачилик шунчалик чуқур илдиз отганки, бундай якдиллик бу диёрда ҳамиша ҳамма нарсадан устун келган.

- Бу икки халқ қадим замонлардан битта маданий ва маънавий муҳитда яшаб келган. Бир хил урф-одат, бир хил ҳурмат-эҳтиром иккала элга ҳам хос. Тўнимиз, дўппимиз, дастурхонимиз… найимиз, доирамиз, дуторимиз, рубобимиз, карнайимиз, сурнайимиз, чангимиз – ҳаммаси бир хил. Шашмақом, degани тожикча сўз бўлиб, олти мақомни англатади. Шашмақом куйлари тарала бошлагач, ҳеч ким ҳозир санъаткорнинг қайси тилда ёзилган ғазал асосида ашула айтишини аниқ айтолмайди. Зеро, шеъриятимиз, куй-қўшиқларимиз ҳам асрлар давомида уйғунлашиб кетган, - дейди филмда дўстлик ҳақида фикрларини билдирган ўзбекистонлик адабиётшунос олим Султонмурод Олим.

Инсоният тарихидан маълумки, адабиёт, санъат, маданият халқлар дўстлигига хизмат қилиб келган. Тожик ва ўзбек халқлари ҳам бундан мустасно эмас. Ҳазрат Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоийларнинг ижодий ҳамкорликлари, ўзаро устоз-шогирд эканликлари ҳам бунинг ёрқин далилидир.

- Тожик-ўзбек шеъриятида қадимдан ширу шакар деган жанр пайдо бўлган, - дейди таниқли адиб Истад Қосимзода. – Бу жанр ўзбек-тожик шеърияти дарғалари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийдан бошланиб, тобора сайқаллашиб келмоқда.

Собиқ Шўролар даврида ҳам ўзбекистонлик ва ҳам тожикистонлик шоирлар ўртасида ширу шакар услубида кўплаб шеърлар битилган ва бу иккала халқ дўстлик кўпригининг устунлари устувор бўлишига хизмат қилганлиги табиий.

Таниқли ўзбек шоири, Ўзбекистон Халқ қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ширу шакар жанрида битилган шундай ғазали бор:



**Дўсту қардошдир азалдан,**
**Ўзбегим тожик билан,**
**Иккиси бир байт ғазалдан**
**Ўзбегим тожик билан.**
**Қай йўсин айлай қиёс мен**
**Бул ширин дўстлик сўзин,**
**Тотлидир болдан, асалдан,**
**Ўзбегим тожик билан…**

Ўзбек-тожик халқлари дўстлигини тараннум этувчи шунга ўхшаш назмий битиклар беҳисоб.

Тожикистонлик таниқли адиб, зуллисонайн шоир, «Дўстлик» ордени ва Тожикистон Журналистлар иттифоқи Лоҳутий мукофоти лауреати Ўлмас Жамолнинг «Икки тили бир халқ васфига» номли ғазали эса, иккала қардош республикаларда ҳам машҳур бўлиб, бу ғазал асосида санъаткорлар томонидан куйга солинган ашула эса, иккала халқ дўстлигининг гимнига айланиб кетганлиги рост.

**Ўзбекистон ўғлидурман,**
**тожигим гуфто писар,**
**Рост гўям, ҳар кадоме**
**севгилимдур жон қадар,**
**Она деб айтсам бировин,**
**ул бири менга падар,**
**Ҳамчу ду чашми сиёҳам**
**икки халқ ҳам мўътабар,**
**Меҳру ёдаш дар вужудам**
**– порлаган шамсу қамар…**

Мустақиллик йилларида иккала республика адабиёти вакилларининг маданий ҳамкорликлари янги босқичга чиқди. Тожикистонлик адиблар Мирзо Турсунзода, Лойиқ Шерали, Низом Қосим, Сайдали Маъмур, Кароматулло Мирзоев, Гулназар Келди, Аминжон Шукуҳий, Фарзона, Асқар Ҳаким, Камол Насрулло, Муҳиддин Хожазод ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари Ўзбекистонда кенг мутолаа қилинаётган бўлса, ўзбекистонлик таниқли шоир ва ёзувчилар Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа юзлаб ижодкорларнинг асарлари тожикистонлик адабиёт мухлисларининг севимли китобларига айланган.

Айниқса, собиқ Шўролар даврида эзгу анъанага айланган икки қардош республиканинг ўзаро маданият ва санъат декадалари ўтказишлари маданият ва санъат соҳасида ҳамкорликларнинг сайқаллашувига хизмат қилганлиги табиий.

Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари мустақилликни қўлга киритгандан сўнг ҳам анъанавий дўстлик, ўзаро иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳамкорликларга содиқ қолишди. Бу суверен қўшни давлатлар ўртасида 1992 йилнинг 20 октябрида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тарихий ҳужжат ўзаро ҳамкорликларни янги босқичга олиб чиқди. Икки республика ўртасида, айниқса, маориф ва илм соҳасида ҳамкорликларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди ва бу йўналишда йиллар давомида катта ютуқларга эришилди. Ўзбекистон нашриётларида тожик тилида ўқийдиган ўқувчилар учун дарсликлар чоп этилиш йўлга қўйилиши ҳам ана шу ҳамкорликлар натижаси эди.

- Ўзбекистонда тожик тилида ўқийдиган ўқувчилар учун, тожик тилидаги дарсликлар яратилиши борасида кенг имкониятлар мавжуд, - дейди филология фанлари номзоди Таваккал Чориев. – Мустақиллик йилларида мен ўрта умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун 8та дарслик ва олийгоҳ талабаларига мўлжалланган 3та қўлланмалар ёзиб, чопдан чиқардим.

Айни пайтда Ўзбекистонда 250тага яқин ўрта умумтаълим муассасаларида таълим тожик тилида олиб борилиб, уларда 55 минг нафардан ортиқ ўқувчилар билим олишлари халқлар дўстлигининг сайқаллашувчи омили ҳисобланади.

Мустақил Тожикистонимизда ҳам йиллар давомида ўзбек тилида ўқийдиган ўқувчилар учун Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлиги томонидан қатор дасрликлар чоп этилди.

Ўзбекистонда чоп этилаётган тожик тилидаги газеталар, Ўзбекистон миллий телевидениясидаги тожик тилидаги дастурлар ўзбекистонлик тожикларнинг қадриятларини эъзозлаш бўлса, Тожикистонда мунтазам чоп этиб келинаётган Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри – «Халқ овози» газетаси, давлат ҳокимиятлари Суғд ва Хатлон вилоятлари ижроия органлари нашриялари – «Суғд ҳақиқати» ҳамда «Дўстлик» газеталари, шунингдек, ўзбекзабон аҳоли зич яшайдиган ноҳиялар газеталаридаги ўзбекча саҳифалар, Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги телевидение ва радио комитетида намойиш этилаётган ва эшиттирилаётган ўзбекча дастурлар тожикистонлик ўзбекларга Давлат ва Ҳукумат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар нишонасидир.

**- Мо барои васл кардан**
**омадем,**
**На барои фасл кардан**
**омадем,** - деган аллома шоир Жалолиддин Балхий, - фикрини изҳор этади, Ўзбекистон Тожик миллий маданий маркази раиси Шарофат Эрматова. – Тожиклар ва ўзбеклар шу байтнинг мазмунидан келиб чиққанидек, бирлашмоқ ниятида яшаб келишади.

Мустақиллик йилларида Тожикистонда яшаб келаётган ўзбек миллати вакиллари ўлканинг тараққий этишида биродар тожик халқи вакиллари билан бир қаторда меҳнат қилаётган бўлса, Ўзбекистонда яшаб келаётган кўпсонли тожикларнинг ҳам бу ўлкада қўлга киритилаётган ютуқларда муносиб ҳиссалари борлиги табиий.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий таъкидлаганидек, дўст бошингга кулфат тушганда билинади:

**Дил, агар ногаҳон**
**ғамга учрасанг,**
**Ғамхўр дўстинг бўлса,**
**у ғам эмасдир.**
**Кулфат куни содиқ**
**дўстларинг керак,**
**Бахтли кунда дўстлар**
**ҳеч кам эмасдир.**

2016 йилнинг 3 сентябрида ўзбек халқи учун қайғули кун эди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов оламдан ўтди ва ўша куни дафн маросими белгиланганди. Биринчилар қаторида дўст ўзбек халқини мусибатли кунларда қўллаб-қувватлаш, ҳамдардлик билдириш ва оғир лаҳзаларда дўстлар ёнида бўлиш учун Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Давлатимиз бошлиғи Ислом Каримовнинг дафн маросимида қатнашиб, ўзбек халқига тожик халқи ва Ҳукуматининг ҳамдардлигини баён этди. Тожикистон Давлати сарварининг бу амали яхши қўшничилик, эзгу удумларимиз, инсонийликнинг олий намунаси эди.

Тожикистон Республикаси Президенти 2016 йил декабр ойида мамлакат парламентига йўллаган Паёмида мамлакатимизнинг ташқи сиёсатига тўхталиб, бу йўналишда Тожикистон Ҳукумати мамлакат миллий манфаатини кўзлаган ҳолда, яхши қўшничилик, стратегик ҳамкорликлар ва «очиқ эшиклар» сиёсатини давом эттиришини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам ўтган йилнинг 8 сентябрида мамлакат парламентининг қўшма мажлисида Ўзбекистон учун Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон билан ҳамкорлик жараёнида Ўзбекистон Ҳукумати очиқ дўстона ва прагматик принципларга содиқ қолишини таъкидлаб ўтди.

Иккала қўшни давлатлар бошлиқларининг ташқи сиёсатда белгилаган дўстона ҳамкорликлар йўналишлари ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Иккала халқ ва икки давлат ўртасидаги биродарлик ва яхши қўшничилик муносабатлари ижобий босқичга кўтарилганлиги жорий йил баҳорида Тожикистонда рўй берган табиий офатлар пайтида яна бир марта тасдиқланди. Тоғли Тожикистон ўлкамизда ниҳоят серёғин келган баҳор кўплаб минтақаларда қор кўчкилари, тошқин ва селлар келишига сабаб бўлди. Биринчилар қаторида ён қўшнимиз – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тожик халқига ёрдам қўлини чўзди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғи билан табиий офат рўй берган Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевларнинг саъй-ҳаракатлари билан 2017 йилнинг 11 апрелидан бошлаб «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» аэрокомпанияси ҳафтасига бир марта «Тошкент-Душанбе» йўналиши бўйича йўловчиларни ташиш авиарейсини йўлга қўйганлиги эътиборлидир.

Жорий йилнинг 17-20 апрел кунлари Тожикистон пойтахти – Душанбе шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон саноат корхоналари маҳсулотлари биринчи кўргазма-ярмаркаси пайтида иккала давлат тижоратчилари ўртасида муҳим ҳамкорлик шартномалари имзоланганлиги ҳам қардош халқлар ўртасида иқтисодий алоқалар тобора мустаҳкамланаётганлиги нишонаси эди.

Кўргазма-ярмаркага ташриф буюрган Тожикистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари Азим Иброҳим бу тадбирнинг юқори савияда ўтаётганлиги ва келгуси кўпқиррали ҳамкорликлар истиқболидан дарак беришини таъкидлаб ўтган.

Жорий йил май ойининг биринчи ярмида Тожикистонда Ўзбекистон маданият ва санъат кунлари ўтказилиши қўшни халқлар ўртасидаги муносабатларнинг янада илиқлашувининг ёрқин далили эди. Бу маданий тадбир асрлар давомида қалбларимизда ўрнатилган дўстликнинг мустаҳкамланишида муҳим рол ўйнади.

- Адабий, маданий алоқалар, санъат соҳасидаги ҳамкорликлар, шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, - дейди Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи аъзоси, таниқли адиб, яқинда Тожикистон Ёзувчилар иттифоқининг Садриддин Айний номли мукофоти билан тақдирланган маҳоратли таржимон Омонбой Жуманов. – Ўзбек ва тожик адиблари асарларини иккала тилда ҳам чоп этиш, маданиятимиз, турмуш тарзимиз, тўй-маъракаларимиз муштарак халқларимиз учун маънавий ютуқ ҳисобланади.

Жорий йил 21 май куни Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида ўтказилган Араб мусулмон мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари саммити доирасида Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар давлат раҳбарлари ва Америка Қўшма Штатлари Президенти учрашувлари бўлиб ўтди. Жумладан, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевларнинг саммит доирасидаги учрашув ва самимий мулоқотлари жараёнида дўст ва қўшни давлатлар ҳамкорликлари истиқболлари муҳокама этилди.

Шу йилнинг 30 майидан 2 июлгача Душанбе шаҳрида Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлараро комиссиялари ишчи гуруҳларининг йиғилишида ҳам қўшни давлатлар ўртасидаги йиллар давомида ечимини топмаётган муаммолар юзасидан конструктив келишувларга эришилди. Жумладан, давлатлар ўртасидаги чегара масалаларида ҳам ижобий натижалар қўлга киритилди. Учрашув натижасида томонлар қўшма баёнот беришди. Унда яқин келажакда мавжуд муаммолар юзасидан ўзаро манфаатли хулосаларга келиш ҳақида сўз юритилади.

Қадимдан эт билан тирноққа менгзатилган, ичаётган сувларининг сарчашмаси, яшаётган заминлари бир бўлган, маданиятлари, урф-одатлари, турмуш тарзлари муштарак бўлган ўзбек тожик халқининг завол билмас дўстлиги истиқболи порлоқдир. Бу дўст халқлар соғлом тафаккур, ўзаро биродарлик ҳамда эҳтиром юзасидан йўлга қўяётган самарали ҳамкорликлар шунга олиб келиши табиий.

Нуктадон шоиримиз Ўлмас Жамол тили билан айтганда:

**Аз қадим ўзбегу тожик –**
**эт билан тирноқ эрур,**
**Қон-қариндошлик шиораш**
**қўлида байроқ эрур,**
**Бир-бирин меҳмонга**
**чорлаб, йўлида**
**муштоқ эрур,**
**Тоқати ҳижрон надорад,**
**васлига чанқоқ эрур,**
**Ушбу дўстлик ҳар қадамда**
**топгуси фатҳу зафар.**

Ҳа, завол билмас, истиқболи саодатли дўстлигимиз тобора жипслашиб, сайқаллашиб боришига шак-шубҳа йўқ. Отахон шоиримиз таъкидлаганидек, бу дўстлик келгусида ҳам фатҳу зафар топгусидир, албатта…

*Искандар МАҲМАДАЛИЕВ,*
*«Халқ овози» газетасининг масъул котиби.*

СМС

**СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ**

Тел: 918-61-99-71

===== Мамлакатимизда =====

---------- *Футбол* ----------

### МАВҚЕДА АНЧАЙИН ПАСАЙИШ БОР

ФИФА (Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси) дунё терма жамоаларининг навбатдаги рейтинг варақасини эълон қилди.

Унинг натижаларига кўра, Тожикистон бош жамоаси 211та терма жамоа орасида 149-ўринни ишғол қилиб турибди. Бу натижа термамиз ўтган ойдагига нисбатан 11 поғона пастлаганидан далолатдир.




Мутахассисларнинг фикрларича, мамлакатимиз терма жамоасининг «Осиё кубоги-2019» турнирининг гуруҳ саралаш босқичидаги мағлубиятлари бунинг асосий сабабидир.

Жаҳон терма жамоалари рейтингини амалдаги жаҳон чемпиони Германия терма жамоаси бошқариб бормоқда.

Осиё қитъасида эса, эронликлар «карвонбошилик» қилишмоқда. Тожикистон миллий терма жамоаси 28-ўринни эгаллаган.

======= Жаҳонда =======

---------- *Шаҳмат* ----------

### ГРОССМЕЙСТЕР ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАДИ

Шаҳмат бўйича жаҳоннинг 13-чемпиони, халқаро тоифадаги гроссмейстер, россиялик Гарри Каспаров 12 йиллик танаффусдан сўнг яна катта шаҳматга қайтганлигини маълум қилди.



Жаҳон чемпиони унвонини 8 йил ўзида сақлаб турган 54 ёшли «дона сурувчи» Гарри Каспаров ўзининг қайта тикланган фаолиятини Сент- Луис шаҳрида ўтказиладиган нуфузли мусобақада иштирок этиш билан бошлайди.

ФИДЕ (Халқаро шаҳмат федерацияси) президенти Кирсан Илюмжинов гроссмейстер фаолиятининг қайта тикланиши «шов-шувга» сабаб бўладиган воқеа эмас, дея баҳолади. Зеро, ўз вақтида мен Гаррини фаолиятини якунламасликка бир неча бор даъват этганман, дея таъкидлади халқаро шаҳмат ташкилоти раҳбари.

Эслатиб ўтамиз, таниқли шаҳматчи 2005 йилда ўз фаолиятига якун ясаганлигини эълон қилган эди.

---------- *Футбол* ----------

### ИШТИРОКЧИ ЖАМОАЛАР ГУРУҲЛАРГА АЖРАТИЛДИ

Жорий йилнинг 6-28 октябр кунлари Ҳиндистоннинг олтита шаҳрида футбол бўйича ўсмирлар (U-17) ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Йўлга қўйилган қуръа ташлаш маросимида мундиалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган жаҳоннинг 24та ўсмирлар терма жамоаси олти гуруҳга ажратилди. Улар қуйидагича тақсимланди:

«А» гуруҳи: Ҳиндистон, Америка Қўшма Штатлари, Колумбия, Гана;

«В» гуруҳи: Парагвай, Мали, Янги Зеландия, Туркия;

«С» гуруҳи: Эрон, Гвинея, Германия, Коста- Рика;

«D» гуруҳи: Шимолий Корея, Нигерия, Бразилия, Испания;

«Е» гуруҳи: Гондурас, Япония, Янги Каледония, Франция;

«Ғ» гуруҳи: Ироқ, Мексика, Чили, Англия.

---------- *Бокс* ----------

### УНВОН ҲИМОЯСИ ОМАДЛИ КЕЧДИ

Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида касбий бокс кечаси ташкил этилди.

Кечанинг марказий жанги оғир вазнли спортчилар ўртасида WBA (Бутунжаҳон боксчилар ассоциацияси) йўналишининг «суперчемпион»лик камари учун кечди. Унда амалдаги жаҳон чемпиони россиялик Денис Лебедев ва чемпионликка даъвогар австралиялик Марк Фленаганлар рингга чиқишди.

Ўн икки раунд давом этган муштлашув давомида рус боксчиси ўз рақибини бир марта нокдаун ҳолатига тушира олди.

Жанг якунига кўра, ён ҳакамлар 119:108, 120:107, 119:108 ҳисобида Денис Лебедовни ғолиб, деб топишди.

Шундай қилиб, чемпионлик камари ҳимояси россиялик боксчи учун омадли бўлди.

*«Халқ овози»нинг спорт шарҳловчиси.*

МУЛОҲАЗА

# НАҲЗАТ ФАОЛИЯТИ ИНТИҲОСИ, ЯНГИ ҲАЁТ ИБТИДОСИ…

Маълумки, фаолияти тақиқланган Тожикистон Ислом тикланиш партияси ташкил этилган кунлардан бошлаб, катта миқдорда маблағ ваъда қилган баъзи хорижий исломий давлат ва ташкилотлар сиёсатини қўллаб-қувватлаб, ўз босқинчилик фаолиятини кучайтиришни истарди.

Шу боисдан, ИШИД пайдо бўлгандан сўнг, ТИТПнинг террорчилик сиёсати янада фаоллашди. ТИТП ИШИДнинг вақтинчалик ғалабаларидан қувониб, мамлакатда ўзининг нопок амалларини кўпайтирди.

Бундай сиёсат натижасида, ТИТП томонидан партиянинг Кенгаши аъзоси А.Назарзода раҳбарлигида 2015 йил сентябр қонли воқеалари бўлиб ўтди. Ундан кўзланган мақсад, қурол-яроқ орқали Тожикистонда давлат тўнтаришини амалга ошириш эди. Наҳзатчилар бундай амаллари ортидан мустақил Тожикистондаги конституцион ва дунёвий давлат тузумини йўқ қилиб, ўзларининг ташқи хожалари раҳбарлигида жамият сиёсатини ноқонуний йўллар билан ўзгартириш ниятида эдилар. Бироқ улар отган ёй хато кетиб, барча жамоатчилик аҳли ТИТП ҳаракатларини қаттиқ қоралади ҳамда уни экстремистик партия сифатида эълон қилиб, фаолиятини Тожикистонда тақиқлаб қўйди.

Бузғунчи наҳзатчилар бундай амаллари билан ўзларини кучли сиёсий партия сифатида эмас, балки экстремистик-террорчи партия сифатида кўрсатди. Бу партия жамият ва мамлакат қонуний Ҳукуматига зўравонлик ва қўрқув методлари билан хавф солиш ниятида эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари, 1992 йилнинг май ойида Тожикистон Олий кенгаши биносига Наҳзат партиясининг қуролланган гуруҳи томонидан уюштирилган ҳужум оқибатида ҳукуматнинг бир неча шахслари ва бегуноҳ кишилар ҳалокатга учраганди. Биродаркушлик уруши, деб ном олган ўша йилларда ТИТП ўзининг экстремистик-террорчилик сиёсатини илгари сурган эди.

Тожиклараро тинчлик битими имзолангандан сўнг, ТИТП раҳбари С.А.Нурий бундан кейин Ислом партияси ўтган ҳодисаларни такрорламаслигига ваъда берганди ҳамда қасам ичганди.

Бироқ ҳаёт у ваъдалар ёлғон бўлганлигини кўрсатди. Мазкур партия аъзолари ўзининг янги босқичида Муҳиддин Кабирий раҳбарлигида экстремистик-террорчи сиёсатни ўз фаолиятларининг асосига айлантириб, ғаразли ишларини давом эттиришди. Ва бугун Муҳиддин Кабирий хорижий нашрлар орқали айтаётган гапларига кўра, гўёки Миллий ярашув битимини йўлга қўйиш механизми нотўғри ва сулҳ кафиллари Россия ва Эрон бунга норасмий жавоб беришган эмиш. Гўёки бу давлатлар Тожикистон Ҳукумати фаолиятидан норози бўлиб, Сурия, Украина ҳамда Афғонистон давлатларидаги вазиятнинг кескинлашгани боис, бу масалага диққат қаратмаётган экан. Шунингдек, Кабирий бугун икки томонлама тараққиёт босқичига чиқаётган Тожикистон-Ўзбекистон муносабатларига ёлғон гаплари билан кескин низоли вазиятни янгидан вужудга келтиришни истамоқда. Бугун оддий халқ ҳам Кабирийнинг ҳар қандай ёвуз сиёсий ўйинларини англаб етди. У ўзини сиёсатчи ва ватанпарвар сифатида кўрсатишни истаб, ҳатто, меҳнат муҳожирлари масаласига ҳам аралашмоқда. Лекин у вазифа тепасида эканлиги ва фуқаролик уруши йилларидан сўнг мамлакатда кўплаб ҳал этилиши лозим бўлган масалалар Кабирий ва унинг партиядошларига тегишли бўлмагандек, гўё. Бу масалаларни ечишдан кўра, вужудга келган қулай фурсатдан фойдаланиб, ўзлари учун ер, уйлар, корхоналар сотиб олдилар.

Кабирийнинг таъкидлашича, Тожикистон халқи, хусусан, ёшлар сиёсатдан ўзларини четга олиб, турли радикал партия ва ҳаракатларга қўшилиб кетишмоқда.

Бугун барча жамият аҳли ўз фаолиятини номақбул амаллар, жумладан, экстремизм -терроризмга қарши йўлга қўйган. Айниқса, оддий халқнинг ҳам кечагидан кўра бугун сиёсий ҳушёрлиги ортган ва ҳеч қачон тожик бошқа бир тожикка қарата қурол кўтарган ўша мудҳиш кунларга қайтишни истамайди. Бу борада тегишли соҳавий органлар фуқаролик жамияти билан биргаликда аниқ дастурлар орқали иш олиб бормоқда. Бугунги ёшлар ватанларини ҳар қандай бузғунчи ҳаракатлар таҳдидидан ҳимоялаб, экстремистик гуруҳларнинг ёвуз мақсадлари ўз онгига кириб келишига йўл қўймаслик кераклигини яхши англаб етганлар. Шу билан бирга, муқаддас Ислом динини ҳар қандай ёвузликлардан тозалаб, асрлар давомида ота-боболари сиғиниб келган асл Исломни тушуниб етишган. Улар Ислом динини разил сиёсатдан фарқ қила оладилар. Чунки дин сиёсийлашган жамиятда, дин яратувчан эмас, балки қўпорувчи бўлади. Бунинг ёрқин мисолини қўшни давлат - Афғонистон мисолида кўриш мумкинки, неча йиллардан буён уруш вазияти ўз ечимини топгани йўқ. Шоир айтганидек:

**- Аслида Исломда ҳеч бир**
**айб йўқ,**
**Ҳар айбки бор бўлса,**
**мусулмонлигимиздадир...**

Кабирий ва унинг партияси аъзолари қўл урган ҳар бир амал ҳам дин ва ҳам Тожикистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид эди. Вақти келиб, Кабирий ўз қилмишидан пушаймон бўлиши аниқ. Бироқ у пайтда миллату давлат унинг хиёнатларини кечирмайди.

*Шамсиддин ШУҲРАТ.*

## Шифо масканларида

# ОТАХОННИНГ ХАЙРЛИ ДУОСИ


«Тез ёрдам» беморхонаси бош врачи Бобохон Абдураҳимов

Юртимиз мустақилликка эришгач, ҳар соҳада юз бергани каби соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди ва бу анъана давом этаётир. Ўтган 26 йил давомида қарийбки, республика Ҳукумати ва унинг Раиси, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон бошчилигида мамлакатимиз барча гўшасида у ёки бу кўринишдаги тиббий хизмат кўрсатиш нуқталари, беморхоналар, санаторийлару дам олиш масканлари бунёд этилиб, халқ хизматига камарбаста эканлигига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ҳа, бир пайтлар маълум бир категория беморлар шифо топиш учун республикадан ташқарига - бошқа мамлакатларга бориб келишарди. Минг шукрки, бугунги кунда шифокорларимиз энг мураккаб тиббий амалиётларни ҳам ўзимизда амалга оширмоқдалар. Органлар трансплантацияси дейсизми, юрак ва бошқа энг муҳим аъзолар жарроҳлиги дейсизми, барча-барчаси ўзимизнинг фидокор дўхтирларимиз томонидан олий даражада бажарилмоқда ва элу юртнинг олқишига сазовор бўлишмоқда улар.

Душанбе шаҳар "Тез ёрдам" клиник беморхонаси давлат муассасасида амалга оширилаётган хайрли амалларга бевосита ўзимиз гувоҳ бўлгач, ишончимиз янада ортди.

Аслида бу ерга боришга Жаббор Расулов ноҳиясининг Ғўлакандоз қишлоғидан Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, қаҳрамон ота Қамбар Мирҳайдаровнинг ўзини даволаётган жонфидо шифокорларга билдирган миннатдорчилиги сабаб бўлди.

Фотомухбиримиз Нарзулло Нурбобоев билан Қамбар ота ётган Жонлантириш бўлимида бироз суҳбатлашишга муяссар бўлдик. Қарийб бир асрлик умр йўлини босиб ўтган ота бир неча кун олдин ушбу шифо масканига олиб келишганларида ўта оғир аҳволда эканлиги ва мазкур Жонлантириш бўлими дўхтирларининг саъй-ҳаракатлари билан унга азоб бераётган айланаси бир, узунлиги икки сантиметрлик тошчаларни ўт халтасидан жарроҳлик орқали олиб ташлаганларидан сўнг аҳволи яхши томонга ўзгарганлигини изҳор этди.

- Отамларни ўзимизда даволатишга уриндик, бироқ жарроҳларимиз отамнинг кексаликлари туфайли жарроҳлик амалиёти қилишдан бироз хавфсирадилар. Шунда тўғри Душанбега - "Тез ёрдам" беморхонасига олиб келавердик, - дейди отанинг ўғилларидан бири Акбарали,- Бизни бу ерда жуда илиқ кутиб олишди. Даволаш жараёнини шахсан бош врач Бобохон Абдураҳимовнинг ўзлари назоратга олиб, барча харажатлардан озод этдилар.


Ж. Расулов ноҳияси раиси К. Салимзода бемор аёдатида

Бу ерда ҳам отамизнинг кексаликлари, боз устига, дард уринтириб қўйиши ортидан қувватсизликлари туфайли бош врач ҳузурида консилиум ўтказилгач, жарроҳликка тайёрлаша бошладилар. Худога минг шукрким, жарроҳликнинг иккинчи кунидаёқ отамиз оёққа тура бошлади. Отамиз ўзини жарроҳлик қилган Раҳмонали Алимардонов, бўлим бошлиғи Зайниддин Қосимов, анестезиолог-реаниматолог врач Бойиржон Тожибоев ҳамда тиб ҳамширалари - Гулдаста Раҳматова, Гули Турахонова, Дилором Аҳмадова, санитаркалар Зуҳро Сафоева, Лола Сафолова, шунингдек, ушбу ишларни билвосита бошқариб турган бош врач Бобохон Абдураҳимов, у кишининг табобат бўйича муовини Абдулло Сафаровлар ҳақига дуои хайрлар қилиб, самимий миннатдорчилик билдирмоқда.

Ҳожи Қамбар ота Мирҳайдаров ҳаёти ва фаолияти билан қизиқамиз. Маълум бўлишича, у киши бундан 95 йил муқаддам собиқ Драгомир (кейинчалик Пролетар, айни пайтдаги Жаббор Расулов) ноҳияси Ғўлакандоз қишлоғида таваллуд топган экан. 1943 йилда кўнгиллилар қаторида урушга жўнаб, Волгоград, Ленинград, Украина фронтларида бўлди ва Полша, Руминияга қадар немис-фашист газандаларини қувиб чиқаришда ўз ҳиссасини қўшади.

Урушдан кейинги тинчлик даврларида 5-6 йил уруш асорати ўз кучини кўрсатиб, Қамбар ота тўшакка михланиб қолди. Сўнгра узлуксиз даволанишлар ортидан қайта оёққа тургач, бир муддат тракторчилик қилган ота ҳадемай, Коммунизм колхозига ревком этиб тайинланди. Йиллар ўтиб, колхозлар бирлашгач, Абдуғафур ота Саматов раҳбарлик қилган донгдор В. И. Ленин номли колхознинг 23-бригадасига узоқ йиллар саркорлик қилди. У киши саркорлик қилган йиллар давлат плани муттасил ошиғи билан бажариб келинган.

Бир умр она-заминга меҳрини бериб келган Қамбар ота нафақага чиққанларидан сўнг ҳам тинч ўтиролмади. Хитой қишлоғи ёнидаги адирликдан 10 гектар ерга боғ барпо этиб, барчага намуна бўлди. Худо ёрлақаса ҳеч гап эмаскан. 1994 йили муқаддас Каъбага йўл олиб, ҳаж фарзини адо этди. Буни қарангки, келгуси йили машҳур раис Абдуғафур ота Саматов у кишини ўз ҳисобидан яна бир бор Ҳаж зиёратига юборди. Қамбар ота бу марта Шўролар даврида динимизнинг ушбу рукнини бажара олмаган дўсту ёрлари, ота-онаси ҳамда Абдуғафур ота номига ҳажжи бадални амалга ошириб қайтдилар.


Отахон дуога қўл очганда...


Беморни саҳарги тиббий кўрикдан ўтказиш жараёни

Иккинчи гуруҳ ногирони, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Қамбар ота Мирҳайдаров турмуш ўртоғи Рокияхонум Солиева билан мазмунли ва баракали умр кечиришди. Улар биргаликда 6 ўғил, 4 қизни оқ ювиб-оқ тараб, илму урфонли қилиб вояга етказишди. Фарзандларининг бари ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишган. Бугунги кунда 42 невара, 90дан ортиқ эваралар қуршовида кексалик гаштини сураётган Қамбар отадай кишиларга ҳавас қиласан, беихтиёр. Худо барчамизни ҳам бу табаррук зот етган хайрли умр ва баракалар ила шарафлантирсин, дея дуога қўл очиб юборганингни билмай қоласан, киши.

Президентимизнинг аҳоли саломатлиги борасида қайғуриши, айниқса, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига алоҳида меҳр-мурувват кўрсатишлари алоҳида таҳсинга сазовор эканлигини англаб етасан. Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг жойлардаги вакиллари ҳам ҳар ишда Давлат бошлиғидан ўрнак олишаётганлари айни ҳақиқат. Маълум бўлишича, Қамбар ота ҳолидан хабар олгани Жаббор Расулов ноҳияси раиси Комилжон Салимзода ҳам атай беморхонага ташриф буюрган экан.

- Ҳолимиздан хабар олгани келаётганларнинг баридан миннатдормиз. Айниқса, бугун ноҳиямиз раиси Комилжон Салимзоданинг шунча йўл босиб келишини биз ветеранларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир кўриниши, инсонийликнинг яна бир намунаси, деб билдим. Парвардигор давлатимиз раҳбарлари-ю, кечаю кундуз халқ хизматида бўлган шифокорларимизни ҳам ўз паноҳида асрасин, азиз Ватанимиз бундан-да гўзал, чиройли, обод бўлаверсин...

Отанинг бу хайрли дуосидан мамнуният, миннатдорчилик уфуриб турарди шу тобда...

*Абдулло САИДОВ, "Халқ овози". Суратчи Нарзулло Нурбобоев.*

---

*Саммит*

## "G20": терроризм, қашшоқлик, очликка қарши кураш

- "G20" мамлакатлари жаҳон ҳамжамияти қаршисида турган замонавий чақириқларга қарши курашишга бел боғламоқда. Улар терроризм, қашшоқлик, очлик каби муаммоларга қарши курашиш ниятидалар, - дейилади Гамбургда бўлиб ўтган "G20" саммити натижаларига доир коммюникеда.

- "Биз жаҳон ҳамжамияти қаршисида турган умумий муаммолар, хусусан, терроризм, инсонлар кўчиши, қашшоқлик, очлик, саломатликка таҳдид, иш ўринлари барпо қилиш муаммолари, иқлим ўзгаришлари, энергетика хавфсизлиги, тенгсизлик, жумладан, гендер тенгсизлигига қарши курашиш ниятидамиз", - дейилади коммюникеда. Унда таъкидланишича, мазкур масалаларни ҳал этиш мустаҳкам ривожланиш ва барқарорлик асосидир.

*Германия*

## Президентлар суҳбати мазмуни

АҚШ Президенти Доналд Трамп Россия Президенти Владимир Путин билан Гамбургдаги "G20" саммити доирасида бўлиб ўтган музокаралари мазмунини изоҳлаб ўтди.



- "Мен икки бор Президент Путин олдига Россиянинг бизнинг сайловларга аралашуви масаласини кўндаланг қўйдим. У бу айбловни мутлақо рад этди. Мен бу масаладаги ўз фикримни билдирдим", - деб ёзган Трамп ўзининг "Twitter" микроблогидаги расмий саҳифасида.

Унинг таъкидлашича, учрашувда томонлар Суриянинг жанубий-ғарбий қисмида "жонларни асраб қолувчи" сулҳ тузилиши ҳақида келишиб олишган ва "Россия билан конструктив ҳамкорлик қилиб янада илгарилаш учун фурсат етгани"ни қўшимча қилган.

- "Биз Сурия ҳудудларида ўт очишни тўхтатишга келишдик, бу инсонларнинг ҳаётини қутқариш учун. Энди Россия билан конструктив ҳамкорлик қилиш вақти келди", - дея қайд этган америкаликлар етакчиси.

*Украина*

## АҚШ Давлат котиби Киевга келди

АҚШ Давлат котиби Рекс Тиллерсон расмий ташриф билан Киевга келди. "112 Украина" телеканали шу ҳақда хабар берди.

Давлат департаментининг юқори лавозимли амалдори маълумотларига кўра, Тиллерсон ташриф доирасида Украина Президентига мамлакат шарқидаги можароларга нисбатан ўз нуқтаи назарини билдиради ва бу масалада кўпроқ маълумот тўплашга ҳаракат қилади.

*Германия*

## Германия ҳаракати сиёсий қотилликми?

Германия сиёсий жиҳатдан ўзига суиқасд қилмоқда. Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоған "G20" саммити якунида журналистлар учун ўтказган брифингида шундай баёнот берди.



- "Бу ерда сиёсий эркинликлар ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Мен Германия сиёсий жиҳатдан ўзига суиқасд қилаяпти, деганда айни сиёсий суиқасдни назарда тутаяпман. Бу бумеранг каби ирғитган кишисига қайтади", - деган Эрдоған. У немис Ҳукуматининг Гамбургда турк диаспораси вакиллари билан учрашиши учун Туркия етакчисига рухсат бермаганини шундай изоҳлади.

---

**Хитой**

## Сув тошқини оқибатлари

Марказий Хитойдаги давомли сел ёмғирлари натижасида 12,2 миллион киши фалокат зонасида қолди. Бу ҳақда «Синхуа» агентлиги хабар берди.



- «Хунан провинциясида 83 киши ҳалок бўлди ва бедарак йўқолди», - дея маълумотни келтиради маҳаллий маъмурият. Уларнинг орасидан 28 киши кўчкилар остида, 22 нафари қулаган бинолар остида қолган, 4 нафари чўкиб кетган, яна 16 киши ер кўчиши ва бошқа сабаблар натижасида ҳалок бўлган.

1,62 миллион киши шошилинч равишда эвакуация қилинди, 470 мингдан зиёд киши шошилинч моддий ёрдамга муҳтож.

22 июндан буён давом этаётган кучли сел ёмғирлари Хунаннинг 53 минг турар-жойи вайрон бўлиши ва 68 мингининг жиддий талофот кўришига сабаб бўлди.

**Сирли олам**

# НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?

**Футбол юлдузлари**

## Ҳафтасига бир миллион евролик маош

«Барселона» билан 4 йиллик шартнома имзолаётган Лионел Мессининг йиллик маоши миқдори 62 миллион еврони ташкил этади. Бу ҳақда «The Times» нашри испан грандидаги манбасига асосланган ҳолда хабар тарқатган.

Шу тариқа, Месси ҳафтасига 1 миллион евро маош оладиган илк футболчига айланади.

У 4 йил давомида жамоада қолса, жами 248 миллион евро (жамоавий ва шахсий натижалар учун бонуслар ҳисобланмаганда) миқдоридаги маблағ ишлаб топади.

Бундан аввалги хабарларда, Месси «Барселона» билан шартномани узайтиришга рози бўлгани учун 50 миллион евро миқдоридаги бонус олиши айтилганди.

**Ветнам**

## Мусодара этилган фил суяклари

- «Ветнам ҳуқуқ-тартибот органлари мамлакатнинг марказий қисмида жойлашган Тангҳуа провинциясида истиқомат қилувчи контрабандачидан 2,7 тонна фил суягини мусодара қилган», - деб ёзади маҳаллий «Tuoi Tre» нашри.



Полициячилар автотрассада мамлакат пойтахти Ҳаной томон кетаётган шубҳали юк машинасини тўхтатишган. Фил суяклари машинага юкланган мевалар остида яшириб қўйилгани аниқланган.

Фил суяги, каркидон шохи ёки бир пайтлар жанубий-шарқий Осиё ва жанубий Африкада кенг тарқалган зирҳли чумолихўрнинг йўқолиб бораётган тури - панголин терисидан ясалган нарсаларга эга бўлиш бир қатор Осиё давлатлари, жумладан, Хитой, Корея ва Ветнамдаги кибор давраларда нуфуз рамзи ҳисобланади.

**Юлдузлар ҳаёти**

## Роналдунинг якуний қарори

«Реал» ҳужумчиси Криштиану Роналду муаммоларга қарамасдан, испан клубида қолишга қарор қилди. Бу ҳақда «AS» нашри хабар тарқатди.



Португалиялик футболчи «Реал» раҳбариятига кейинги мавсумда ҳам жамоада ўйнашини маълум қилган. Клуб айни вақтда Роналдунинг жамоада бўлишини ҳисобга олган ҳолда, трансфер сиёсатини юритмоқда.

Ўтган ойда ушбу футболчи солиқчилар билан муаммолари ортидан Испаниядан бутунлай кетишини айтганди. Шундан сўнг, ҳафталар давомида футболчининг келажаги борасида турли хабарлар янграб турди.

Футболчи 2011-2014 йилларда жами 14,7 миллион евро миқдоридаги маблағни яширишда айбланган.

Роналдунинг иши бўйича суд 31 июл куни бўлиб ўтади.

**ЮНЕСКО**

## Бутунжаҳон мероси рўйхатидаги янги объектлар



Полшанинг Краков шаҳрида 41-сессиясини ўтказган ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси қўмитаси Осиё қитъасидаги уч объектни Бутунжаҳон мероси рўйхатига қўшди. Бу ҳақда ташкилотнинг «Twitter»даги саҳифасида маълум қилинган.

Энди бу рўйхатдан Ҳиндистон ғарбидаги Аҳмадобод шаҳрининг эски шаҳар қисми ўрин олди. У эски ички кўчалар атрофидаги барпо этилган ва дарвозалари қулфланувчи маҳаллалар лабиринтлари билан эътибор қозонган. Ҳар бир маҳалла алоҳида қалъадан иборат. Ҳиндистонда бундай объектлар сони энди 36тага етди.

Хитойда Бутунжаҳон рўйхатига мустамлакачилик маданияти архитектура ёдгорликларидан иборат Гуланюй ороли ҳам киритилди. Жанубий Хитой денгизида жойлашган бу оролга XIX асрда европалик савдогарлар келиб жойлаша бошлашади ва улар ўзларига хос уйлар, қасрлар, черковлар, шифохоналар ва дўконлар қура бошлашади. Ҳозирда бу туристлар орасида жуда машҳур даргоҳ бўлиб, у ерда, ҳатто, автомобиллар қатнови тақиқланган. Объект Хитойдаги 51-чиси бўлди.

ЮНЕСКО қўмитасининг яна бир қарори Камбожадаги Самбор Прей Кук ибодатхонасининг киритилиши билан якун топди. Бу мажмуада VI асрдан бери мавжуд бир неча ўнлаб ибодатхоналар ўрин олган. 1970-йиллар бошида ибодатхоналарнинг аксарияти бомба ёғдирилиши туфайли шикастланган, айрим ҳудудлар ҳанузгача вайроналигича қолмоқда.

*Перу*

## Мачу-Пикчу — Инкларнинг синоатли шаҳри

Мачу-Пикчу — Перудаги 2438 метр баландликда жойлашган, қадимий инкларнинг йўқолган шаҳри ҳисобланади. Тахминан 1440 йилда инклар томонидан асос солинган ва 1532 йилда тўсатдан ҳувиллаб бўшаб қолган шаҳар анча вақт кишиларнинг эътиборидан четда бўлган. Тоғ шамолларининг емирилиши ва ўт-ўланлар қоплаб олиши туфайли аста-секин йўқлик томон юз тутган шаҳарга 1911 йилда америкалик тарихчи олим Ҳайрам Бингҳэм дуч келади.





2007 йил 7 июлда Мачу-Пикчу жаҳоннинг янги етти мўъжизасидан бири сифатида тан олинади. 13 июл куни Перу Президенти Алан Гарсиа бу кунни байрам сифатида нишонлаш ҳақидаги фармонини имзолайди.

Бугун Мачу-Пикчу жаҳоннинг энг машҳур сайёҳлик йўналишларидан бири ҳисобланади: бу ерга Куско шаҳридан поездда келиш мумкин, йўлга уч соатча вақт сарфланади. Бироқ тоққа пиёда чиқишни истайдиганлар ҳам бор, Инклар сўқмоғи бўйлаб чиқиш учун бир неча сутка вақт кетади.

Чўққига етиб борган саёҳатчиларни ибодатхоналар, уйлар, омборлар, ҳатто, расадхона қарши олади. Шунингдек, мурғак ламалар, алпаклар билан учрашиб, ўз чиройи орқали инсон қўли билан яратилган ҳар қандай нарсадан устун турувчи Анд тоғларининг такрорланмас манзараларига гувоҳ бўлиш мумкин.

1983 йилда Мачу-Пикчу ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилди ва оммавий сайёҳлик марказларидан бирига айланди.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

*Меҳмон БАХТИЙ, Тожикистон Халқ шоири*

## ИККИ ЧАМАН БУЛБУЛИ

Ўлмас Жамол - икки қўни-қўшни халқ неъмат ва фазилат дастурхонидан туз тотиб, баҳра олган инсонлардан. Ўрта мактабни она тили - ўзбекча тугаллаган бўлсада, Миллий университетнинг филология факултетида тожик тилида таҳсил олган. Шубҳасиз, Ўлмас Жамолнинг филология факултетида олган билими унинг аруз вазни ҳамда шеър яратиш ҳунари, санъати ва нозикликларини сидқан ўрганишига имконият туғдирди.

Агар шоир яратган ўзбекча шеърлар равон, мазмунли ва хушоҳанг бўлса, Ўлмас Жамол ўзбекчадан тожикчага ва аксинча, тожик тилидан ўзбек тилига ўгирган шеърлар ҳам ўзининг дилрабо-ю жаззоблиги билан нафис сўз шайдоларининг қалбидан ўрин олган.

Азиз бирадаримиз Ўлмас Жамолнинг ижодиётига назар ташласак, у икки гулистон чаманининг ягона шохасида сайраган булбулга ўхшайди.

*Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири*

## ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ДЎСТ

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида адабиётга кириб келган шоирлар орасида Ўлмас Жамолнинг алоҳида ўрни бор, ҳеч кимга ўхшамайдиган овози бор.

Бир ажойиб нафосат, дилбарлик шаббодаси унинг шеъриятидан эсиб туради. Одамларда бир гап борки, бирор инсон ҳақида гап кетганда, "Мен у билан қирқ йиллик қадрдонман", дейишади.

Ўйлаб қарасам, мен Ўлмас Жамол билан эллик йиллик қадрдон эканман.

Бизнинг ёшлигимиз кўп шеърий анжуманларда, сафарларда, тонготар шеърхонликларда ўтган.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, улуғ устозимиз Ғафур Ғулом билан Душанбега сафарда бўлганимизда, бир адабий кечамиз бўлиб ўтган эди.

Ўшанда тожикистонлик бир неча ёш шоирлар ҳам иштирок этишган эди.

Ўлмас Жамол уларнинг етакчиси эди.

Ғафур Ғулом уларнинг ижодини тинглаб, бошларини силаб, кўнгилларини кўтариб, меҳрибонлик кўрсатганлигига ўзим гувоҳман.

Ўлмас Жамолнинг шеъриятидаги нафосат, дилбарлик ёнига донишмандлик қўшилди.

Инсоний дард, инсонпарварлик, гуманистик йўналиш пайдо бўлди.

Бизга тенгдош бўлган шоирлар орасида арузда ижод қилганлари жуда кам.

Арузда Саъдийлар, Ҳофизлар ижод қилган.

Аруз - ишланган, шу билан биргаликда мураккаб вазн.

Жуда кўп шоирларимиз икки тилда ижод қилганлар, ҳам форсий, ҳам туркий тилда. Ҳазрат Навоий шундай икки тилда ижод қилган зуллисонайн шоирдирлар.

Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилувчилардан биттаси Ўлмас Жамолдир.

Унинг шеърлари оҳанги билан қўшиқ бўлиб дунёга келади.

Шунинг учун кўзга кўринган ҳофизлар томонидан қўшиқ бўлиб ижро этилган.

Бундай инсонлар, бундай шоирлар, бундай арбоблар икки қардош халқ бир-бирига жигар бўлган, бир-бирига қадрдон, қадимдан бир-бирига жондош ва ёндош бўлган халқлар ўртасидаги кўприк ҳисобланади.

*Мўмин ҚАНОАТ, Тожикистон Халқ шоири*

## ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ЭЛЧИСИ

Ўлмас Жамол тожик ва ўзбек муштарак адабий муҳитининг ахлоқий меъёрлари билан яхши таниш бўлган ва уларга ҳаётида ҳамда шеърларида риоя қиладиган шоирдир.

Агар яхши шоир ўз миллатининг жамият олдидаги элчиси бўлса, Ўлмас икки биродар - ўзбек ва тожик халқларининг элчилигини ўз зиммасига олган.

***

*Кароматуллоҳ МИРЗО, Тожикистон Халқ ёзувчиси, А. Рўдакий номидаги Давлат мукофоти лауреати*

## ҲАМИША БИРГА

Ўлмас Жамол неча ўн йиллардан буён хурсандлик онларимизда ҳам, нохушлик кунларимизда ҳам биз билан бирга эди. У, биз - тожик адиблари учун биродар сифатида азиз ва ҳурматли бўлган.

Мўътабар ота-онаси унга эзгу орзу умид билан Ўлмас, деб ном беришган экан. Бу - тожикчада Жовид дегани. Бизнинг оғайнимиз ўзбек ва тожик адабиётида ўлмас бўлиб қолишига ишонаман.

***

*Гулназар КЕЛДИ, Тожикистон Халқ шоири, А. Рўдакий номидаги Давлат мукофоти лауреати*

## ЯШАСИН ШУНДАЙ ҚУДРАТ!

Ўлмас Жамол ўз шеърларидай зебо ва шеърлари Ўлмас Жамол сингари гўзал. Шеърларининг гўзаллиги уларнинг бағоят беғашу самимийлиги, равону дилбарлиги, фазилатларга бойлиги-ю, ҳикматларга тўлалигидандир. Ва бу сифатлар Ўлмас Жамол шахсида ҳам ўз тажассумини топган.

Унинг ижодиёти ҳам киндик қони томган Ўзбекистонда ва ҳам маънавий ватани Тожикистонда кенг қамровли маҳбубиятга эга ва бу икки қардош халқлар дўстлиги таронаси сифатида хизмат қилади. Яшасин шундай қудрат!

## АЗИЗЛАРДАН ЖУДОЛИК БИЗНИ РУҲАН ЭЗИБ КЕТДИ...



27 июн куни «Халқ овози» газетаси Бош муҳаррири Ёқубжон Абдуманонзода қўнғироқ қилиб қолди: -«Бирор киши телефон қилдими?»

-Йўқ, нимайди?

-Ўлмас ака оламдан ўтибдилар, эртага соат саккизда жаноза намози, таниш-билишларга айтиб қўйсангиз...

Кутилмаган хабардан карахт бўлиб, «Аллоҳ раҳмат қилсин, устозни»,-дея олдим холос.

Эртасига бомдод намозини ўқиб бўлгач, ўғлим Муҳаммаджон билан йўлга отландик. Устоз истиқомат қилувчи лола нақшли баланд ошёнали «дом»га яқинлашар эканмиз, ортимиздан келаётган Искандар ака ва Эркин акалар билан саломлашдик. «Бандачилик экан-да», дея тасалли беради Искандар ака, «Худо раҳмат қилсин»,- дейман мен.

Дом ёнида тумонат одам: устозни сўнгги манзилга кузатиш учун Хўжанддан, Қўрғонтепадан, Колхозободу Ёвондан, борингки, республикамизнинг турли шаҳарларидан ижодкорлару мухлислар, ёру дўстлар ташриф буюришган. Бизлар бирма-бир устознинг ўғли Ҳамзабек билан бағирлашиб, ҳамдардлик изҳор қилдик.

Шу пайт бир гуруҳ одамлар тобутни ўнглай бошладилар. Бир оздан сўнг жаноза намози бошланди. «Ният қилинг» хитоб қилди имом. Тўрт такбир билан жаноза намози ўқилди. Ўзбекнинг улуғ шоирини шу зайл чин дунёга кузатдик.

Мен устоз билан 2001 йилда танишган эдим. Ўшанда «Халқ овози» газетасида илк шеърларим чоп этилган пайтлар эди. Шоир Абдулла Насридиннинг хонадонига тўйга таклиф қилинган эдик. "Халқ овози" газетаси ходимлари билан Ваҳдатга олиб борадиган йўлда учрашишга қарор қилдик. Бекатга келсам, устоз бир-икки киши билан суҳбатлашиб ўтирган эканлар. Бир кўришданоқ шунчалик самимият билан саломлашдиларки, худди юз йиллик қадрдонлардек таассурот қолдирдилар менда. Шундан кейин мен устознинг зиёратига тез-тез борар ва унинг дилтортар суҳбатларидан баҳраманд бўлар эдим. Ўлмас ака нафақат шеъриятда, балки одамийлик бобида ҳам барчамизга ўрнак бўларлик фазилатлар соҳиби эдилар. 2002 йилда навбатдаги "Руҳим ранглари" китобим устознинг сўзбошиси билан чоп этилди. "Халқ овози" газетаси таҳририятида ушбу китобимнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тожикистоннинг кўзга кўринган ўзбек адиблари иштирок этган ушбу йиғинда устозим Ўлмас Жамолнинг ўзлари: «Бир пайтлар менга Чустий домла шундай мурувват кўрсатган эдилар, энди мен ҳам қарзимни узишим керак», - деб йиғилганларга ош дамлаб бердилар. Устозларим, ижодкор дўстларим янги китоб ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Ёдимда қолгани, Ҳайдар Жўраев, Санобар Аллаева, Ҳабибулло Дўстов менинг ижодим ҳақида фикр билдиришган эди. Устоз Абдулло Зуҳур эса, "Руҳимга", «Изтироб» каби шеърларимни мисол келтириб, тасаввуф руҳидаги шеърларимга яхши баҳо бергани эсимда. Шу воқеадан кейин ушбу газетада соҳага оид мақолаларим ва шеърларим вақти-вақти билан чоп этила бошлади. Ўша йилларда Ҳайдар Жўраевнинг ташаббуси билан ҳар йили пойтахтда ўзбек ижодкорларининг «Замондошшоу» тадбири ўтказилар эди. Ушбу шеърият ва қўшиқ байрамларида республикамизнинг таниқли шоир, ёзувчи, журналист, ишбилармон, соҳибкор, давлат ва жамият арбоблари қатнашиб, ўзбек миллатининг бой санъати, адабиёти ва тожик-ўзбек дўстлиги ҳақида чиқишлар қилишар эди. Тожикистон халқ артистлари Мастона Эргашева, Алижон Солиев (Аллоҳ раҳмат қилсин), ҳофизлар Сабоҳат Нажмиддинова, Машрабхон Қаландаров, Абдуваҳоб Тошматов, турсунзодалик хонандалар Валижон Мусоев, Шарифжон Тошматовлар ушбу учрашувларда ўзларининг қўшиқлари билан учрашувимизни байрамга айлантирар эди. Номи зикр этилган таниқли ҳофизлар Ўлмас аканинг дилбар ғазалларини куйга солиб куйлашар эди. Устоз шу davраларнинг гули ва фахри эди. Устознинг қўшиқлари қаторида менинг ҳам илк қўшиқларим ушбу давраларда ижро этила бошланди. Абдуваҳоб Тошматов менинг «Ватан обод», «Тасанно», Валижон Мусоев "Ёронлар", «Онажон», Шарифжон Тошматов "Кўнгил ва гул" каби қўшиқларимни ижро этишар эди. Устозимнинг эътибори ва эътирофи туфайли мен ҳам адабий муҳитининг фаол аъзосига айланган эдим. Ушбу учрашувлар биз ёш ижодкорлар учун камолот мактаби вазифасини ўтади.



Узтозимиз, атоқли шоир Ўлмас Жамол гарчи расмий унвони бўлмаса-да, ҳақиқий халқ шоири эдилар. У киши қадимдан қондош ва жондош бўлган тожик ва ўзбек халқлари васфида ўлмас ғазаллар, мухаммасу мустазодлар, ширу шакарлар битган забардаст шоирдир. Республикамиз Ҳукумати томонидан у кишига «Дўстлик» орденининг берилиши ҳам бежиз эмас, албатта. Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида хоҳ насрда бўлсин, хоҳ назмда бўлсин, ижод қилаётган ҳар бир қаламкаш Ўлмас акани ўзига узтоз дея эътироф этади. У кишининг «Икки тилли бир халқ васфига» мухаммаси мана, чорак асрдирким, икки халқ дўстлигини тараннум этувчи шеърлар ичида ҳамон энг юқори чўққини эгаллаб турибди.

Устозимиз истиқлол йилларида баракали ижод қилдилар. Бу ижод маҳсули сифатида «Сурур», «Масрур», «Манзур» ва «Маъмур» номли девонлари нашр этилди.

Ушбу чор девонга кирган шеъру ғазаллар, туюқлар, рубоийлар, байтлар, мустазоду мухаммасларда дилбар ва ўйноқи сатрлар билан биргаликда донишмандона ҳикматлар ҳам ўз аксини топган. Ушбу девонлардан ўрин олган байтларда устоз маърифат боғининг боғбони бўлиб ҳикматга бой, фалсафий фикрлар силсиласини яратдилар.

Сўнгги йилларда устоз оғир беморликни бошидан кечирдилар. Ҳар гал хабарлашгани борганимда, турли мавзуларда суҳбатлашар эканмиз, у киши гоҳ туриб ўтирар, гоҳо ёнбошлаб олар эдилар. Устозни уринтириб қўймаслик учун кетишга чоғлансам, рухсат бермас, таниш-билишлар ҳақида савол берар эдилар. Чунки устоз ўз фаолиятларини Регардан бошлаганлари учун кўпчиликни яқиндан танир эдилар. Ўлмас ака ҳамиша «Ўзи яхшига – олам яхши» дегувчи эдилар. Дуо қилинг десак: «Илоҳим, нокасларга муҳтож қилмасун»,- деган дуони такрорлар эдилар. Ҳар гал девонлари чиқса, биринчилардан бўлиб менга дасхатлари билан совға қилар эдилар. Ўтган йили «Ҳаёт беланчаги» китобимни олиб бориб берганимда, устоз синчиклаб варақладилар, сўнгра китобимни ўпиб, пешонасига теккизди ва табассум билан менга боқиб: «Муборак бўлсин»,- дея ўз хурсандликларини изҳор этдилар. Сўнгра менга тутқазиб, дасхат ёзиб беришимни сўрадилар. Устоз астойдил сўраганлари учун, мен юз хижолат бўлиб дасхат ёзиб берган эдим.

Йиллар давомида мен устознинг меҳридан, мурувватидан баҳраманд бўлдим. У кишининг панду насиҳатларини эшитиш, дуоларини олиш шарафига муяссар бўлдим. Шунинг учун ўзимни ҳамиша бахтиёр ҳис қиламан ва бунинг учун Яратганга шукроналар айтаман. Устоз билан бўлиб ўтган суҳбатларни агар ёзаман десам, бир китоб бўлиши мумкин.

Сўнгги марта хабар олгани борганимда ҳам устозга тезроқ соғайиб, оёққа туриб кетишларини тилаб, кетишга изн сўрадим. Устоз барча қадрдонларга саломларини етказишларини илтимос қилдилар. Бизни кузатиб қўяр эканлар, Янгамулло: «Ҳаммаларингга раҳмат, қанчадан-қанча одамлар хабар олгани келишади. Одамлар келиб турса, устозингиз яхши бўлиб қоладилар. Бўлмаса, тушкунликка тушиб қоладилар»,- дея хайрлашган эдилар.

Жорий 2017 йилда Душанбедаги "Промэкспо"нашриётида тожик тилидан қилган таржималарим "Дийдор соғинчи"номи билан нашрдан чиқди. Китобга Ўлмас ака сўзбоши ёзиб бердилар.

Устоз Ўлмас Жамол тожик адабиётини ўқиб ўрганиш, тарғибу ташвиқ этиш Тожикистонда яшаётган ҳар бир адиб учун ҳам қарзу ҳам фарз амал, деб қайта-қайта такрорлар эдилар.

1 июл куни шоир Турғун Али ва жияним Сирожиддин билан биргаликда устознинг хонадонига фотиҳа ўқигани бордик. Дастурхон атрофида ўтириб, устознинг ҳақига дуои фотиҳа ўқидик. Шу пайт даҳлизда Янгамулло кўриндилар ва «Менга учраб кетинг»,- дея илтимос қилдилар. Мен дарҳол у кишининг ёнларига бордим. Ургутдан устознинг жиянлари келишган экан. Мен устознинг рафиқаси, қизлари Гулнора опа ва жиянларига ҳамдардлик билдирдим. Янгамулло: «Тағин устозим ўтиб кетди деб, борди-келдини канда қилманг»,- дея сўз бошладилар.

-«Устозингиз мабодо вафот қилсам, барча қадрдонларим етиб келишлари учун мени бир кеча уйда сақланглар, дея васият қилган эдилар. Шунга амал қилиб жанозани эрталабгача қолдирдик», - дея сўзларини давом эттирдилар.

Кейин устознинг сўнгги кунлари ҳақида сўзлаб бердилар: - «Ҳайит куни жиянлари келиб, у кишининг соч-соқолларини ораста қилиб қўйди. Кайфиятлари яхши эди. Эртасига негадир безовта бўлдилар. Ҳадеганда: - «Бугун қанақа кун?», - дея сўрай бошладилар. Мен: - Ваҳдат (Миллий бирлик куни), дея эслатдим. У киши: - «Барча яқинларимни, жиянларимни чақиринг», - дедилар. Мен уларни чақиртирдим ва чой олиб келдим. Бир оздан кейин, у киши омонатларини топширди. Жиянлари кўзингизни очинг дейишса ҳам, у киши уйғонмадилар», - янгамулло сўзлар эканлар кўзларида ёш халқаланар эди. Мен Ўлмас аканинг халқимизга қилган хизматлари ва элимизнинг унга нисбатан ҳурмат-эҳтироми ҳақида гапириб, янгамуллонинг кўнглига таскин бердим.

- Регардан кимлар келди? - дея сўрадилар. Мен шоир Турғунали ака ва жияним Сирожиддин келганлигини айтдим.

Регарга қайтар эканмиз, Турғунали ака «Устознинг жанозасига бора олмаганим учун хижолатда эдим. Бугун кўнглим бироз ёришди»,- дедилар. Биз устоз ҳақидаги хотиралар билан ўртоқлашиб, манзилимизга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз.

**Мен барча турсунзодалик ижодкорлар ва мухлислар номидан устоз Ўлмас Жамолнинг аҳли байтларига, яқинларига Парвардигордан сабри жамил тилаб қоламан. Меҳрибон Оллоҳим устознинг охиратларини обод, руҳларини шод айласин!**

*Ҳасанбой ҒОЙИБ, шоир, Турсунзода шаҳри.*



*Саидали МАЪМУР, Тожикистон Халқ шоири*

## КЎНГИЛЛАР БОҒЛОВЧИСИ

Ўлмас Жамолнинг номини ҳар эшитганимда, беихтиёр кўз олдимга мен учун азиз киши, кўнгиллар боғловчиси, икки миллатнинг шоири ва таржимони сиймоси келади. Беихтиёр, шундай нажиб хислатли мард билан дўстлигу биродарлик аҳдида эканлигимдан ифтихор ҳиссини туяман.

Ўлмас Жамол ҳам Тожикистон ва ҳам Ўзбекистонда шоир сифатида маълуму машҳур эдилар. Иккала республикада ҳам китоблари она тили - ўзбек тилида чопдан чиққан. Кўплаб шеър ва таржималари тўпламларда ва «Бир нигоҳ» номли китоби «Адиб» нашриётида тожик тилида чоп этилган. Ўлмас Жамолнинг шеърларини таниқли шоирлар - қаламкаш дўстлари тожик тилига ўгирган. Камина ҳам унинг бир неча шеърини тожик тилига ўгирганимдан хурсандман.

Ўлмас Жамол кўпроқ қўшиқ ёзадиган шоир сифатида маълуму машҳурдир. Унинг қўшиқларини иккала республика ҳофизлари куйлашади ва шу йўл билан унинг шеърларига иккинчи умр бағишлайдилар.

Ўлмас Жамолнинг тожик шеъри тарғибу ташвиқида хизматлари бебаҳодир. У кўплаб тожик шоирлари ижодларидан намуналар таржима қилган. Шоирлар Меҳмон Бахтий ва Аскар Ҳакимнинг алоҳида тўпламларини ўзбек тилига ўгирган.

Ўлмас Жамолнинг ўзбек тилида ижод қиладиган ёш адиблар тарбиячиси сифатида ҳам ҳиссаси катта бўлган. «Адиб» нашриётида ўзбек тилида чоп этиладиган ҳар бир китоб унинг назаридан ўтган. Китобларнинг бир қисмига муҳаррир бўлса, яна бир қисмига маслаҳатчи эди.

*Жамол КАМОЛ, Ўзбекистон Халқ шоири*

## ҲУРМАТИ БАЛАНД ШОИР

Ўлмас акамиз ҳақида кўнглимдаги гапни айтадиган бўлсам, бу киши асл шоир, устоз деб айтишга арзигулик ижодкор.

У кишининг ҳурмат-эътибори китобхонлар орасида баланд.

Бу кишининг китобларини Ўзбекистонда севиб ўқишади, шеърларини қўшиқ қилиб айтишади.

Байрамларда, тўйларда баъзан эшитиб қоламан.

Икки республикада севимли ва ардоқли бўлиш катта бир бахт.

Энди Ўлмас ака ҳақида айтадиган бўлсам, арузда шеърни адосига етказиб айтадиган шоирлар кам, лекин Ўлмас ака шуни эплаган.

Буни янада соддароқ қилиб айтадиган бўлсам, у кишининг шеърлари инсонларни инсонликка ундайди.

Инсоннинг вазифаси, биринчидан, ўзини таниш, дунёни таниш, Аллоҳни таниш.

Нима учун келади, нима учун кетади, қаёққа боради, охири нима бўлади, мана шуни эсдан чиқармаслик керак.

Ўлмас аканинг китоблари ҳамиша мана шуни эсга солади.

Шу билан алоҳида диққатга сазовордир.

Ўлмас аканинг яна бир ўзга улуғ хусусиятини таъкидлашни истардим.

Ўлмас ака бизни биродарликка ундайди.

Тожик ва ўзбек халқлари дўстлигини куйлайди.

Шуни битта эмас, юзлаб қўшиқларга айлантирган мана шу Ўлмас Жамол бўлади.

## МАНГУЛИККА САЗОВОР УМР

Ўзбек ва тожик халқининг ардоқли шоири Ўлмас Жамол шеърият мухлисларини доғда қолдириб, бу дунёни тарк этди.

Ўлмас ака билан 1981 йилдан бошлаб, бир маҳаллада қўшни бўлиб яшадик.

Бу истеъдодли инсоннинг соддалик ва камтарлик билан лиммо-лим тўлган ҳаёти мени ҳайратга солиб келди.

XX аср ўзбек шеъриятида ўзига хос ғазалчилик мактабининг устозларидан бирига айланди десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Шоирнинг ижодий корхонасида вужудга келган ҳар бир ғазал, достон ва девонлардаги фалсафий мушоҳадаларнинг теранлиги, мантиқий изчиллик, туйғуларнинг самимийлиги, фикрнинг парвози ва услубнинг муайянлиги каби аъло хислат ва ноёб фазилатлари туфайли уларнинг ҳар бири Ўлмас Жамолда жило билан товланиб турибди.

Шоир ўз ижодида тожик ва ўзбек халқининг абадий азалий дўстлигини бор овоз билан тараннум этди.

Рамазон ҳайитининг муборак ва мусаффо кунларида фарзандларимиз билан бирга бемор шоирни зиёрат қилгани бордик.

Оппоқ чойшаб устида шифтга тикилиб ётган шоир бизнинг овозимизни эшитиб, ўринларидан туришга ҳаракат қилдилар.

Тинчлантириб, ўринларидан турмаслигини илтимос қилдик. Барибир ўрнидан ярим турган ҳолатда биз билан кўришди.

Биздан янгиликларни сўради. Рамазон ҳайити ва Ваҳдат байрами билан табриклади. Ана шу муборак айёмларда эл билан бирга эмаслигидан афсусланди.

-Акажон, гарчанд ўзингиз халқ орасида бўлмасангиз ҳам шеъриятингиз байрам davраларида кезиб юрибдику, - дея овунтирдик.

Адабиёт оламидаги баъзи бир янгиликларни айтиб, у кишини қувонтирмоқчи бўлдик. Дарддан аёвсиз қийналаётган шоир чидам билан бизни тинглади.

Шогирдларининг ғазалчилик санъатини эгаллашдаги ютуқларидан қувониб сўзлади.

Шу аснода узоқ йиллар давомида «Халқ овози» газетасида мусаҳҳиҳ вазифасини ўтаб келган Муҳаммадражаб Бердиёров қўлида газетанинг янги сонини кўтариб кириб келди ва саломлашгандан сўнг, устозга тақдим этди.

Газетани қўлига олиб, кўзига суртди. Варақлади. Биринчи саҳифадаги бир ахборотни менга кўрсатиб, баланд овозда ўқиб беришимни илтимос қилди. Ахборот Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига бағишланганини эшитиб, хурсанд ҳолда юзлари ёришди. Икки халқ ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига асос бўлаётган икки мамлакат раҳбарлари саъй-ҳаракатларига шукроналар айтиб, енгил нафас олди.

Икки соатдан ортиқ суҳбатдан сўнг, у кишидан ижозат сўраб, дуо беришларини илтимос қилдик. Шоирнинг сўнгги дуолари шундай эди:

-Халқларимиз ўртасидаги янгидан қурилган кўприклар бундан-да мустаҳкам бўлсин. Биз ҳам шу дўстлик кўпригининг бақувват бўлишига ҳисса қўшайлик!

Бу шоирнинг сўнгги дуоси эканлигидан бехабар ҳолда хайрлашиб, у кишининг хонадонидан чиқдик.

Алвидо, азиз устоз ва қадрдон инсон! Охиратингиз обод бўлишини Аллоҳдан илтижо қилиб сўраймиз.

*Бахтиёр МЎМИНОВ, адабиётшунос.*

### Ҳамдардлик билдирамиз...

***Устоз Ўлмас Жамол эл орасида машҳур инсон эдилар. Мактаб ўқувчисидан тортиб, олийгоҳ ўқитувчиларигача, оддий деҳқондан то вазиру вузарогача, тетапоя қалам аҳлидан то таниқли шоиру адиблар, хуллас, жамиятимизнинг барча табақаси орасида ўз ижоди билан муҳаббат қозонгандилар. Эҳтимол, шундандир, муштарийларимиз ҳанузгача редакциямизга қўнғироқ қилишиб, азиз устозимиз вафоти билан таъзия изҳор этишаётир.*** **Жумладан,**

**Ёвон ноҳиясидан:**

**Омонулло Олимов, фахрий ўқитувчи;**

**Нурмат Ризо, Парчасой қишлоғидаги 4-ўрта умумтаълим муассасаси ўқитувчиси.**

**Хуросон ноҳиясидан:**

**Қудратулло Ахмедов, 3-ўрта умумтаълим муассасаси ўқитувчиси;**

**Одилхон Мўминов, тадбиркор.**

**Душанбе шаҳридан:**

**Муҳаммадражаб Бердиёров, журналист;**

**Муҳаррама Ҳамроева, нафақахўр.**

**Қўрғонтепа шаҳридан:**

**Тошмат Темиров, «Дўстлик» газетаси бош муҳаррири;**

**Хушбахт Абдуназаров, Н. Хисрав номли Қўрғонтепа Давлат университети ўқитувчиси, профессор ва бошқалар.**




Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.

## РЕПЕТИТОРЛИК ФАОЛИЯТИМНИ РАСМИЙЛАШТИРМОҚЧИМАН

***САВОЛ:***

- Бир неча йилдан буён хорижий тилларни ўрганишни истаганларга репетиторлик қилиб келаман. Машғулотларни баъзан уйда, баъзида эса, бошқа жойларда ўтказаман. Эндиликда бу фаолиятимни қонунийлаштиришни истайман. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим лозим?

***Муштарийнинг SMS саволидан.***

***ЖАВОБ:***

- Муштарий саволидан маълум бўлишича, у бу ишни даромад олиш мақсадида қилади. Шунинг учун, Тожикистон Республикасининг "Маориф тўғрисида"ги қонуни талабларига мувофиқ, даромад олишга йўналтирилган ўқитувчининг индивидуал фаолияти тадбиркорлик фаолияти сифатида баҳоланади.

Шу боисдан, муштарий амалдаги қонунчилик талабларига кўра, давлат қайдидан ўтиши керак. Яъни патент асосида фаолият олиб борадиган индивидуал тадбиркорлик фаолияти турлари тартибига мувофиқ, муштарий фаолияти маҳаллий солиқ нозирлигида қайдга олиниши керак.

Шунда унга солиқ нозирлигидан таълим-репетиторлик хизматини кўрсатиш ҳақидаги патент берилади. У ҳатмий тиббий кўрикдан ўтгандан сўнг, ёзма шартнома асосида ўз мижозларига хизмат кўрсатиши мумкин.

***Ш. ХОЛМУРОДОВ, адвокат.***

## ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

### *ЭЪТИБОР НАДОРАНД*

Дипломи гумшудаи № 514235, ки онро техникуми статистикии ш. Орженикидзеобод (ҳозира Ваҳдат) соли 1979 ба Якубов Исматулло Раҳматуллоевич додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Муҳри даврашакли хоҷагии деҳқонии ба номи Турсуналӣ боғбон-и ш. Турсунзода бинобар сабаби гум шуданаш, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Шаҳодатномаи гумшудаи хоҷагии деҳқонии "Маҳмади" воқеъ дар Ҷ/Д Ҳасан Ҳусейнов, д. Бешбулоқ, ки бо РЯМ 4030015129 ва РМА 405209105 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ёвон аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Атестати гумшудаи силсилаи АБ 038721, ки онро МТМУ №2-и н. Рудакӣ соли 2000 ба Муҳамадқулова Шарифа Абдуллаевна додааст, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Билети ҳарбии силсилаи НС 6287290, ки онро қисми ҳарбии 6593-и ш.Душанбе соли 1994 ба Холов Файзали Азизович додааст, бо сабаби гумшудан аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Шиносномаи техникии № 01/7253 гумшуда, ки онро соли 2012 КФББТ-и ш. Душанбе бо суроғаи ш. Душанбе, кучаи Айнӣ, 14 а ба Раёсати молиявӣ-иқтисодии ВКД ҶТ додааст, эътибор надорад.

***

Шиносномаи гумшудаи А № 00228984, ки онро 2 июли соли 2016 ШКД Сино-1 ба Акбаров Шаҳзод Алиевич додааст, эътибор надорад.

***

Дипломи гумшудаи СШ-1 № 375176, ки онро соли 1994 техникуми куҳӣ-геологии ш. Душанбе ба Сафаров Фатҳиддин Шакарович додааст, эътибор надорад.

***

Номаи камоли гумшудаи (хатми синфи 9), ки онро соли 1988 муассисаи таҳсилоти миёнаи умумии № 46-и н. Сино ба Қурбонова Зарина Алимовна додааст, эътибор надорад.

### *БАРҲАМ МЕХЎРАНД*

Кооперативи тиҷоратии "Софу-Ата" , ки бо РЯМ 1010000851 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Лахш 29.06.2010с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***

Соҳибкори инфиродӣ Додобоев Абдурасул Ганиевич, шаҳодатномаи РЯМ 0130120705, РМА 035103364, ки дар Нозироти андози ноҳияи Шоҳмансур аз қайд гузаштааст, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Соҳибкори инфиродӣ Бобоҷонов Исфандиёр Содиқҷонович, ки дорои шаҳодатномаи РЯМ 0430205078 мебошад, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Соҳибкори инфиродӣ Қосимов Музафар Муҳамадович, ки дорои шаҳодатномаи РЯМ 126345866, РМА 0130129084 мебошад, фаъолияташро қатъ менамояд.

*Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад.*
*Барои ин шумо ба рақами телефони мазкур муроҷиат намуданатон лозим аст.*
*Тел: 2-38-55-70*

*«Халқ овози» газетаси турли хил эълонларни арзон ва қулай нархда ўзбек, тожик ва рус тилларида чоп этади. Бунинг учун сиз қуйидаги телефон рақамига мурожаат этишингиз лозим.*
*Тел: 2-38-55-70*

## Нурафшон юлдузлар ёғдуси

***Келгин, гулим, эркалайин, боғ бўлайин,***
***Сўзларингдан шифо топиб, соғ бўлайин.***
***Гўзалдирсан барча қошу камонлардан,***
***Жоним, сени асрагайман ёмонлардан.***
***Садоқатда бегингдайин ошиғингни***
***Тополмассан Душанбе-ю Тошкентлардан…***

# Озодбек НАЗАРБЕКОВ: - Садоқатда бегингдайин ошиғингни Тополмассан Душанбе-ю Тошкентлардан...





Таниқли хонанда, Ўзбекистон Халқ артисти Озодбек Назарбековнинг ўтган ҳафтада пойтахтимиз - Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган "Дўстлик" номли катта концерт дастури мана шу дилбар қўшиқ билан бошланди.

Инсон кўнгли ҳар доим санъат, куй-қўшиққа ошуфта бўлиб келган. Шундан бўлса керакки, халқимиз ҳар доим санъат аҳлига ўзгача меҳр билан қараб келади. Яхши қўшиқларни тинглаб, маънавий озуқа олади ва ҳордиқ чиқаради. Яхши қўшиқнинг дунёга келиши учун эса, нафис шеър, дилбар мусиқа ва хуш овоз каби асосий унсурлар уйғунлашиши лозим. Шундагина у ўз мухлислари қалбиги етиб боради. Булар эса, қайсидир маънода санъаткорнинг истеъдодига ҳам боғлиқ. Ана шундай истеъдодли, хушовоз, ўз қўшиқлари орқали ҳар бир санъат шайдоси қалбига йўл топа олган хонандалардан бири Озодбек Назарбеков ҳисобланади.

Бу ном бизнинг юртдошларимиз учун нотаниш эмас. Гарчанд, Озодбек Назарбеков қўшни Ўзбекистонда ижод қилишига қарамай, бизнинг мамлакатимизда ҳам кўплаб мухлисларга эга. Чунки: "Санъат чегара билмайди",- дейдилар. Унинг қатор йиллардаги юртимизга уюштирган гастрол сафарлари ватандошларимиз хотирасида яхши таассуротлар-ла муҳрланиб қолган.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Халқ артисти Озодбек Назарбеков яна юртимизда меҳмон бўлди. Мамлакатимиз пойтахти - Душанбе (5-6 июл) ҳамда Турсунзода (7 июл) ва Хўжанд (8 июл) шаҳарларида ўз концерт дастурларини намойиш этган хонанда бу учрашувни узоқ кутганлигини таъкидлади:

- Сизларни билмадиму мен бу учрашувни жудаям кутдим, кўп соғиндим. Мана бугун сиз азиз-тожикистонлик мухлисларим билан юзма-юз кўришиш насиб қилди. Сизларнинг интернет орқали ёзган хатларингиз менга доим Тожикистонни эслатиб туради. Бугун яна сизлар учун ўз санъатимни намойиш этаётганимдан мамнунман, - деди Озодбек Назарбеков Душанбе шаҳридаги "Аҳорун" амфитеатрида ташкил этилган "Дўстлик" номли концерт дастурида.

Бу галги концерт дастурининг "Дўстлик" деб номланиши ҳам ўзгача бир рамзий маънога эга. Чунки кейинги пайтларда янада мустаҳкамланиб бораётган икки - тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий алоқаларда бу каби санъат тадбирларининг аҳамияти ўзгача, албатта.

### Шарҳи ҳолга чизгилар



√ *Озодбек Назарбеков 1974 йилнинг 7 майида Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Шаҳрихон ноҳиясида туғилган.*
√ *Ўзбекистон Давлат санъат олийгоҳини тамомлаган.*
√ *1994 йилдан қўшиқчилик санъати бўйича ўз ижодий фаолиятини бошлаган.*
√ *2003 йил ўзининг илк яккахон концерт дастурини "Ойдин кечалар" номи остида ташкил этган.*
√ *У марҳум хонанда Муҳриддин Холиқовнинг пешқадам шогирдларидан бири.*
√ *2007 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланган.*
√ *2010 йилда Ўзбекистон Халқ артисти унвонига сазовор бўлган.*
√ *2010 йил мусиқа ва телевидео асарлари номинацияси "M&TVA 2010" тақдимотининг "Йилнинг энг яхши эркак хонандаси" мукофотини қўлга киритган.*
√ *2012 йилда Қорақалпоғистон Халқ артисти унвони билан ҳам тақдирланган.*
√ *Хонанданинг шу кунгача 11та аудио, 8та видео кассета ва диск тўпламлари ёзилиб, сотувга чиқарилган.*
√ *Озодбек Назарбеков Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўзининг яккахон концерт дастурини намойиш этган. Шунингдек, у АҚШ, Россия, Тожикистон ва қатор хорижий давлатларга ҳам гастрол сафарларини уюштирган.*
√ *Яқинда Озодбек Назарбеков "Ёшлар" телеканали раҳбари этиб тайинланди.*
√ *Оилали, уч қиз: Робия, Зинура, Лайло ва бир ўғил: Жаъфарбекнинг отаси.*
√ *Яхши кўрган китоби - Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари.*
√ *Хонанда ўзбек қўшиқчилари орасида биринчилардан бўлиб, қариб бир ой давомида концерт берган.*
√ *Озодбек Назарбеков "Сафарий" тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзиб туради.*

Ўзбекистон Халқ артисти Озодбек Назарбеков Душанбе шаҳридаги концерт дастури олдидан, бу сафардан кўзланган мақсад, тожик-ўзбек халқлари дўстлиги ва келгуси режалари ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига қуйидагиларни айтиб ўтди:

- Мен гастрол сафари билан Тожикистонда бўлиб турганимдан жуда ҳам хурсандман. Ўзбек-тожик халқлари қадимдан дўст, қон-қардош бўлиб келган. Айниқса, кейинги пайтларда муҳтарам президентларимиз ташаббуси билан шу икки халқ ўртасида иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларга дахлдор бўлган ҳамкорликларнинг янада кенгроқ йўлга қўйилиши, барча қатори мени ҳам хурсанд қилди. Бу ташаббуслар кўп ўтмасдан ўзининг самарали натижасини бераётгани барчага аён. Шу асосда, мен ҳам Тожикистон халқи учун ўз санъатимни намойиш қилишни ният қилгандим. Ва, ниҳоят, бугун шунга муяссар бўлдим. Концерт дастури баҳонасида бу ердаги кўплаб санъаткор дўстларим билан яқиндан кўришдим, суҳбатлашдик.

Бундан кейин тожикистонлик санъаткор дўстларимизни ҳам Ўзбекистонга таклиф қилмоқчимиз. Чунки ўзбек халқи ҳам тожик хонандаларининг кўпини яхши танишади, уларнинг қўшиқларини севиб тинглашади. Бундан ташқари, ўзим ҳам бир нечта тожикча ва форсча қўшиқлар куйлаганман. Лекин уларни юксак даражада ижро этганман, дея олмайман, албатта. Бироқ шу қўшиқлар билан чекланиб қолиш ниятим йўқ. Бу масалада ҳали режаларим кўп.

Масалан, тожик мухлисларим учун Абдураҳмон Жомий ва Бедил ғазалларидан қўшиқ яратиб, албомлар тақдим этмоқчиман. Шу йўл билан, қандайдир маънода тожикистонлик мухлисларим олдида ўзимнинг қарзимни узган бўлардим, деб ўйлайман. Лекин шундай бўлса-да, ҳозир ҳам менинг ўзбекча қўшиқларимни тинглаб, шунчалик яхши қабул қилаётган тожик халқига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Шу билан бирга, улар билан фахрланишимни ҳам айтиб ўтишни истардим. Чунки санъаткорнинг асосий ютуғи ва энг катта бойлиги унинг мухлисларидир.

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида озгина бўлса-да ҳисса қўша олсам, бундан хурсанд бўламан. Ниятим, икки мамлакат осмонида тинчлик қуёши мудом порлаб, ўзбек-тожик дўстлиги бардавом бўлсин…

Хонанда айтганидек, унинг репертуаридан нафақат ўзбек, балки бошқа тиллардаги қўшиқлар ҳам ўрин олган. Шулар қаторида Озодбек Назарбековнинг бир нечта тожик тилида айтган қўшиқларини ҳам санаб ўтиш мукин. Айниқса, "Райҳон" қўшиғининг 2015 йилда таниқли тожик хонандаси Далер Кутузов билан биргаликда ижро этилган тожикча варианти ҳам мухлисларга манзур келганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Хонанданинг мамлакатимиздаги бу сафари доирасида ижро этилган "Гулим", "Анжанча", "Кетса, кетар", "Жиги-жиги", "Лола" каби қўшиқлари концерт дастури иштирокчиларига хуш кайфият улашди.

***Зуҳриддин УМАРОВ, "Халқ овози".***

## Москвада олий маълумот олишни истайсизми?

**Олий таълим муассасаси танлашда иккиланяпсизми?**
**Таҳсилни қаерда давом эттиришни билмайсизми?**
**Сизни Москвадаги Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институти (ХИҲИ)га таклиф этамиз.**






ХИҲИ - Россия Федерациясининг муҳлатсиз лицензияси асосида ишлаётган ва давлат аккредитациясидан ўтган етакчи олий таълим муассасаларидан бири. ХИҲИнинг бошқа олий таълим муассасаларидан фарқи шундаки, бу ерда таҳсил масофавий равишда йўлга қўйилган бўлиб, билим олиш учун студентнинг Москвада бўлиши шарт эмас. Студент ер шарининг қайси нуқтасида бўлмасин, таҳсил жараёнида қатнаша олади. Масалан, ёшлар ҳарбий хизматда ёки қизлар турмушга чиққан бўлсалар-да, турар манзили ҳамда иш ва фаолият юритадиган жойларидан туриб, масофавий равишда таҳсил олиб, маълумот эгаси бўлишлари мумкин.

Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институтида таҳсил олиш яна қандай афзалликларга эга?

* Таҳсил қиммат эмас. Танлаган касбингиз билан боғлиқ ҳолда, шартномалар 3 минг сомоний ва ундан зиёд маблағга имзоланади;

* ХИҲИ биноси Москва шаҳрида жойлашган;

* Студентларнинг ота-онага муҳтож бўлмасликлари учун таҳсил вақтида ишлашга ҳам ижозат берилади;

* Тожикистон Республикасидан бўлган абитуриентлар фақат тест имтиҳонлари асосида қабул қилинади. Бу эса, жуда осон;

* Абитуриентларга бир вақтнинг ўзида ХИҲИдаги иккита йўналиш (иқтисодиёт ва ҳуқуқ)га ҳужжат топшириш ва уларни ўрганиш имконияти берилади;

* Институт дипломи халқаро мақомга эга бўлиб, дунё миқёсида амал қилади;

* Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институти қошида аспирантура ҳам мавжуд. Лаёқатлилар институтни битиргандан сўнг, таҳсилни аспирантура босқичида давом эттириши мумкин;

* Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институтига қабул қилинган барча абитуриентлар таҳсил жойига ташкилий тарзда етказилиб, ётоқхона билан таъминланадилар. Ётоқхонада яшаш пуллик.

**<u>Қабул кунлари:</u>** ҳар шанба куни соат 10:00да, 5 августгача. **<u>Манзил:</u> Душанбе шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси 78 ("Армуғон" биноси).**

**Янада тўлиқроқ маълумот олиш учун 905-00-53-88 телефон рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.**

## √ Бошдан кечирганлар айтсин

# ГРЕЧКА ҚАНД МЕЪЁРИНИ ПАСАЙТИРАДИ

Уч-тўрт йил бурун ҳолсизланиб, тез-тез сувсайдиган бўлдим. Кечалари оёқларимнинг суяклари қизиб кетарди. Танишларимга шуни айтсам, улардан бири дўхтирга учрашишни маслаҳат берди. У менда қандли диабет хасталиги нишоналари кўринаётганлигини айтди.

Дўхтирга учрадим. Дугонам тўғри айтган экан, менда қандли диабет хасталиги пайдо бўлганди. Узундан узоқ муолажалар бошланди. Таблеткасиз юрмайдиган бўлиб қолдим. Дўхтирга мурожаат қилган пайтларим бироз аҳволим яхши бўларди. Сал эътиборсизлик қилсам яна қоним таркибидаги қанд миқдори ошиб кетадиган бўлди.

Тўлиқ парҳезга ўтдим. Қандим ошган пайтлари асабим бузиларди. Бўлар-бўлмасга жаҳлим чиқиб, ўзимни нохуш ҳис этардим.

Шифокорларнинг маслаҳати билан таркибида қанди бор озиқ-овқатлар, оқ буғдой нони, картошка, макарон маҳсулотлари, гуруч, айниқса, палов, кофедан парҳез қилдим. Қўй гўшти билан тайёрланган овқатларга, умуман, қўл урмасдим.

Барибир баъзида бирор ёқимсиз нарса истеъмол қилардим шекилли, қандим меъёри ошиб кетарди. Шунда яна укол ва таблеткаларга ўтардим.

Бундан икки йиллар бурун қўшнимизнинг ўғли меҳнат муҳожиратидан қайтганда, ўша ерда чоп бўладиган газеталардан бирини олиб келган экан. Газетада қандли диабетни даволашнинг халқчил усули ҳақидаги мақолани ўқиган дугонам дарҳол уни менга берди. Мен мақолани ўқиб чиқиб, унда айтилган тавсияга қатъий амал қила бошладим. Худога шукур, бир ярим йилдан буён қандим меъёри ошмайдиган бўлди. Ана шу усулни муҳтарам газетхонлар диққатига ҳавола этишни истадим. Кимгадир ёрдамим тегар балки. Ҳар ҳолда, бу усул менга анча ёрдам берди.

Яхшилаб ювиб, қуритилган бир ош қошиқ гречка келида туйилиб, кечки пайт 200 грамм қатиқ ёки простокваша – чучук қатиқда ивитилади. Агар қатиқ уйда тайёрланган бўлса, янада яхши. Тайёрланган малҳамни салқин жойга қўйиб, эрталаб оч қоринга истеъмол қилинади. Орадан бир – бир ярим соат ўтгач, битта катта олма ёки икки дона кичик олма ейилади. Тушликкача бир-икки пиёла кўк чой ичилса, янада яхши бўлади. Шу билан тушликкача бошқа нарса ейилмайди.



Бемалол тўйиб тушлик қилинади. Тушликдан сўнг яхши кўк чойдан ичиб турилади. Кўнгил истагига қараб, вақт-вақти билан олма ейиб туриш керак. Олмани мандарин ёки апелсин билан алмаштириб турилса ҳам бўлади.

Кечки овқат енгилроқ қилинади. Агар кўк чойга ясмин қўшиб ичилса, янада яхши. Аммо ясмин қўшилган чойни ичиш оғирроқ бўлгани учун фақат кўк чойнинг ўзини ичса ҳам бўлаверади.

Кечки пайт эртанги нонушта учун яна ўша қатиқли гречка малҳами тайёрланади. Ва аввалги кундагидек такрор истеъмол қилинади. Энг асосийси, қатиқли герчка истеъмоли ёқимсиз эмас, балки ансинча, бу малҳам хушхўр ва меъдага тегмайди.

Юқорида тавсия этилган усулни қўллаб, таъкидлаганимдек, бир ярим йилдан буён қоним таркибидаги қандни меъёрида ушлаб келмоқдаман. Бошқаларни билмадиму менинг мижозимга бу усул билан қанд меъёрини ушлаб туриш жуда мос келди.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, мана яқин икки йил бўляптики, мен бу малҳамни канда қилмай истеъмол қиламан. Шифо Аллоҳдан, шояд, бу усулни қўллаш қандли диабетдан азият чекаётганларга ёрдам қилса…

***Зумрад АЛМАТОВА, Душанбе шаҳри.***

ХАЛҚ ОВОЗИ
«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.
«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.
Учредитель: Правительство Республики Таджикистан
Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

Таҳрир ҳайъати:
*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. А. Саидов. (1-4 саҳ.)*
*2. Ҳ. Боев. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: И. Маҳмадалиев.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru
Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 12 июл соат $15^{30}$
Тиражи 5671 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.